O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

Ушбу сонда:
2 ҒОЙИБ БЎЛГАН КРЕДИТ
3 ОХИРИ "ВОЙ" ЭРКАТОЙЛИК — ёки талон-тарож қилинган кредит хусусида
ҚАЛТИС АДАШУВ
4 БИЛЛ ГЕЙТС: БОЙЛИК – АҚЛ ВА МЕҲНАТ МАҲСУЛИ

MEZON:

Фермер хўжалиги пул муомаласини юритиш ҳамда пул маблағларини сақлаб туриш ва бу маблағларни эркин тасарруф этиш учун банк муассасасида ҳисоб варақлар очиш ҳуқуқига эга. Фермер хўжалигининг ҳисоб-китоб ҳисоб варағидан маблағларни фақат унинг розилиги ёки суднинг қарори билан ҳисобдан чиқариш мумкин.

"ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ ТЎҒРИСИДА"ГИ ҚОНУН, 21-МОДДА.

Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!

ИНСОН ва ҚОНУН

№ 19 (375)
2004 йил
18 май
сешанба

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

Сотувда эркин нархда

САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИ: ТАҲЛИЛ ВА ҚИЁС

Бу йил мамлакатимиз сиёсий ҳаётида улкан воқеа — янги Парламент учун сайловлари бўлиб ўтади. Бўлажак сайловларнинг муҳим аҳамияти шундаки, давлатчилик тарихимизда илк марта профессионал Парламент ташкил этилади.

Ўтказиладиган сайловлар фуқаролар учун сиёсий ҳаётда иштирок этишга кенг имконият яратади. Бу эса Парламентнинг қандай бўлиши ва қай тарзда фаолият юритиши ҳар биримизга боғлиқ эканини англатади. Шу боис ҳар бир шахс Парламентнинг шаклланишига таъсир кўрсатиши ва ўз ўрнини тўғри белгилаши учун онгли равишда ҳаракат қилиши зарур. Бу ўз навбатида фуқаролардан сайлов қонунчилигини, унга киритилган ўзгаришларни яхши англашни тақозо этади.



Олий Мажлиснинг икки палатали шаклда ташкил этилиши натижасида янги ижтимоий муносабатларнинг вужудга келиши шубҳасиз. Бундай муносабатларни тартибга солиш учун аввало Парламент сайловлари тўғрисидаги қонун янги таҳрирда қабул қилинди.

Шу ўринда мамлакатимиз қонунчилигида баён этилган масала қай даражада ўз аксини топган, деган савол туғилиши табиий. 2003 йил 29 августда қабул қилинган **"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"**ги (янги таҳрирда) қонунда Парламентни ташкил этишнинг барча масалалари демократик ва халқаро андозаларга мос равишда ҳал этилган. Мазкур қонун сайлов ўтказишдаги умумий, тўғри, тенг, яширин овоз бериш, сайловда эркин хоҳиш билдириш, муқобиллик, ошкоралик тамойилларини янада кенгайтирган ва кафолатлаган.

Бу борада мамлакатимизнинг асосий қонуни бўлган Конституцияга ҳам айрим ўзгаришлар киритилганини айтиб ўтиш жоиз. Унга мувофиқ Президент сайлови ва барча вакиллик идораларига сайлов уларнинг конституциявий ваколат муддати тугайдиган йил декабр ойининг учинчи ўн кунлиги биринчи якшанбасида ўтказилиши белгиланди. Бу тартиб ривожланган демократик мамлакатлар тажрибасида узоқ йиллардан буён қўлланиб келинмоқда.

Бундан ташқари, Сенат аъзолари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туман ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик идоралари депутатларнинг тегишли қўшма мажлисларида мазкур депутатлар сайлаганидан сўнг бир ой ичида улар орасидан яширин овоз бериш йўли билан сайланишини белгилаб қўйилди. Бу қоида мамлакатимиз сайлов тизимига мутлақо янги поғонали сайлов тамойилини жорий этди. Аниқроқ айтганда, энди амалиётда тўғри сайлов билан бирга поғонали сайлов ҳам қўлланилади. Бу усул жаҳон тажрибасида ўзини аллақачон оқлаган. Мисол учун айтадиган бўлсак, АҚШда Президент ҳам поғонали сайлов йўли билан сайланади. Бу сайлов усули халқ томонидан маҳаллий вакиллик идораларига сайланган депутатлар орасидан янада муносибларининг Сенатга сайланишига имкон яратади. Бу маҳаллий вакиллик идораларига (Қорақалпоғистон Жўқорғи кенгесига) жуда катта ишонч билдириш билан бирга сенаторлар сайлаш орқали жойлардаги идораларнинг давлат миқёсидаги масалани ҳал қилиш ваколатлари кенгайди.

Конституцияга асосан сайлов ўтказиш тартиби қонун билан белгиланади. Ана шундай қонунлардан бири **"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"**ги қонун бўлиб, у 1993 йилда қабул қилинган, 1997 йилда эса унга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган.

Бу қўшимчаларнинг таҳлилидан қуйидаги хулосалар келиб чиқади. Аввало сайловларнинг кўппартиявийлик асосида ўтиши қонун асосида белгиланиб, уларнинг ошкора ўтиши ва бу жараённи назорат қилиш механизми кучайтирилди. Шунингдек, тегишли тартибда белгиланган кузатувчиларнинг ваколатлари батафсил қайд этилди (6-модда). Қолаверса, депутатликка номзод кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлганлар доираси кенгайтирилди (20-модда). Фуқароларнинг фақат овоз беришда эмас, номзод кўрсатишда ҳам иштирок этиши, партиясизлар ва аҳолининг ишончига сазовор бўлган кишиларнинг депутат бўлиш имкониятларини оширди.

Бундан ташқари, овоз бериш вақти бир соатга узайтирилди (36-модда).

Амалдаги қонуннинг таркибий тузилиши ўзгартирилди. Унинг биринчи қисми Олий Мажлиснинг қонунчилик палатаси сайлов тўғрисида деб аталади. Бу қисмда қонунчилик палатаси ҳудудий, бир мандатли сайлов округлари бўйича кўппартиявийлик асосида 5 йил муддатга сайланадиган бир юз йигирма нафар депутатдан иборат бўлиши, улар умумий, тенг, тўппа-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан сайланиши белгиланди. Булар жаҳон миқёсида эътироф этилган демократик тамойиллардир.

Аввал Конституцияда сайлов ўтказиш муддати белгиланмагани учун қонунда Олий Мажлис депутатлар сайловини белгилаш тартиби белгиланган эди. Энди аниқ муддат белгилаб қўйилгач, бунга ҳожат қолмади ва қонунга киритилган ўзгариш **"Сайлов компаниясини бошланганлигини эълон қилиш"** деб аталиб (19-модда), унга асосан сайлов компаниясининг бошланганини аввалги чақириқ Қонунчилик палатаси депутатларининг ваколат муддати тугашидан камида уч ой олдин Марказий Сайлов комиссияси томонидан оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади. Қонунга киритилган яна бир муҳим ва катта аҳамиятга эга ўзгариш депутатликка номзод кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлган субъектлар доирасини белгилашда кўринади. Унга асосан депутатликка номзод кўрсатиш ҳуқуқига сиёсий партиялар ва бевосита фуқаролар эга (20-модда). Бу билан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашлари номзод кўрсатиш ҳуқуқига эга субъектлар қаторидан чиқарилди. Чунки ҳозирги пайтда мамлакатимизда муайян тажрибага эга бўлган сиёсий партиялар шаклланди. Шу сабабли энди ҳокимият идораларининг номзод кўрсатишига ҳожат қолмади. Номзод кўрсатиш ҳуқуқининг сиёсий партиялар ва фуқароларга берилиши сайловларнинг тенг ва холис ўтишига имкон яратади. Бу билан сайлов тизимининг асосий тамойилларидан бири бўлган тенг сайлов кучайтирилди ва сайлов жараёнини фақат овоз беришига эмас, номзод кўрсатишига ҳам тадбиқ қилинди. Қонуннинг 23-моддаси **"Депутатликка бевосита фуқаролар томонидан номзод кўрсатиш"** деб номланган. Унда қайд этишича, номзод кўрсатиш учун биринчи навбатда сайлов ҳуқуқига эга бўлган фуқаролар (18 ёшга етмаган, суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек, суд ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар сайловда қатнашмайди) ёки фуқаролар гуруҳи депутатликка номзод кўрсатиш учун тегишли сайлов округининг (ўзи яшаб турган округ ҳудудида) камида юз нафар сайловчилардан иборат ташаббускор гуруҳни тузиши лозим. Гуруҳ тузилгач, унинг ваколатли вакили гуруҳни рўйхатга олишни сўраб, тегишли округ сайлов комиссиясига ариза билан мурожаат этади.

Округ сайлов комиссияси ҳужжатларни ўрганиб, ҳужжат қабул қилингандан сўнг беш кун ичида, такрорий сайлов ёки бўшаб қолган ўринга сайлов бўлаётган бўлса, уч кун ичида рўйхатга олинганлик ёки рад этиш ҳақида қарор қабул қилади.

Рўйхатга олинганлик ҳақида қарор қабул қилинса, ваколатли вакилга рўйхатга олинганлик ҳақида гувоҳнома ва белгиланган намунадаги имзо варақалари берилади. Рўйхатга олиш рад этилса, асосланган жавоб берилади. Ваколатли вакилга рўйхатга олинганлик ҳақида гувоҳнома берилгандан сўнг номзодни қўллаб-қувватлаш учун сайловчилар имзоларини тўплашга киришилади. Унгача тўпланган имзолар ҳисобга олинмайди. Номзодни қўллаб округ сайловчиларининг камида саккиз фоизининг имзоси тўпланиши, улар маҳалла, қишлоқ ёки овул бўйича мутаносиб тақсимланиши керак. Имзо варақларини шакли Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланади. Унда номзод ҳақида тўлиқ маълумотлар акс этади. Ҳар бир сайловчи фақат битта номзодни қўллаб имзо қўйиши мумкин. Имзо қўйган сайловчи ўз фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили, яшаш жойи манзили, паспортининг серия ва рақами, шунингдек, имзо қўйган санани кўрсатади. Имзо варақасини ташаббускор гуруҳнинг имзо тўплаган вакили, шунингдек, гуруҳнинг ваколатли вакили ўз фамилияси, исми, отасининг исмини, туғилган йилини, яшаш жойи манзилини, паспортининг серия ва рақамини кўрсатиб тасдиқлайди. Имзо тўплаш иш, хизмат, ўқиш, яшаш жойларида, сайловолди тадбирларда амалга оширилади. Имзо тўплашда мажбурлов ва бошқа йўллардан фойдаланиш жавобгарликка тортилишига сабаб бўлади. Тўпланган имзолар маҳалла, қишлоқ, овул бўйича алоҳида-алоҳида тикилиб, округ сайлов комиссиясига топширилади. Округ сайлов комиссияси имзоларни текшириб кўриб, беш кунлик муддат ичида Марказий сайлов комиссиясига топширади.

Кейинги иш номзодни рўйхатга олишни Марказий сайлов комиссиясидан илтимос қилиш ҳисобланади. Бунинг учун қонуннинг 24-моддасига асосан гуруҳнинг ваколатли вакили Марказий сайлов комиссиясига ариза билан мурожаат этади.

Марказий сайлов комиссияси етти кунлик муддатда ҳужжатларни текшириб чиқиб, уларни қонун талабларига мувофиқлиги тўғрисида хулоса беради.

Қонуннинг 26-моддасига асосан Марказий сайлов комиссияси рўйхатга олиш учун ҳужжатларни қабул қилишни рўйхатга олиш муддати тугашига етти кун қолганда тўхтатади. Номзод рўйхатга олингач, шахсга рўйхатга олингани ҳақида гувоҳнома берилади. Номзодни рўйхатга олиш сайловга ўттиз беш кун қолганда тўхтатилади. Депутатликка номзод Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олингач, беш кунлик муддат ичида округ сайлов комиссияси бу хабарни номзод ҳақида тўлиқ маълумот ва ташаббускор гуруҳни кўрсатиб маҳаллий матбуотда эълон қилади.

Сайловчилар сайлов комиссияларининг қарорлари устидан, ана шу қарор қабул қилингандан сўнг ўн кун ичида юқори сайлов комиссиясига ёки судга шикоят қилишлари мумкин. Марказий сайлов комиссияси қарорлари устидан ўн кунлик муддатда Ўзбекистон Республикаси Олий судига шикоят қилиш мумкин. Шикоятлар ўн кун ичида, агар сайловга олти кундан кам вақт қолган бўлса, дарҳол кўриб чиқилади. (18-модда)

Сайловчилар сайлов жараёнида, ташвиқот ишларида тенг имкониятлар асосида иштирок этади.

(Давоми учинчи бетда)

ТАНЛОВ ЯКУНЛАНДИ

Xabar

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббуси билан Адлия, Ички ишлар, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари ҳамкорлигида бир неча йиллардан буён ўтказиб келинаётган **"Сиз қонунни биласизми?"** Республика кўрик-танловининг якуний босқичи Хоразм вилоятида бўлиб ўтди. Мактаб, коллеж ва гимназиялар ўқувчилари ўртасида ўтказилган ушбу кўрик-танловда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардан жами 14 та жамоа қатнашди. Жамоалар ўзларининг қонунни қай даражада билишлари билан бирга уни қандай қўллашларини ҳам саҳна кўринишлари орқали намойиш этишди.

Танловда Наманган вилоятининг "Адолат" жамоаси биринчи, Навоий вилоятининг "Адолат юлдузлари" жамоаси иккинчи, Бухоро ва Хоразм вилоятлари жамоалари учинчи ўринни қўлга киритишди.

Мазкур тадбир аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, айниқса, ўқувчи ва талаба-ёшларнинг қонунларни чуқур ўрганишларида муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз.

Шуҳрат РЎЗИЕВ

Адлия вазирлигининг шу йилнинг 6 май куни бўлиб ўтган Ҳайъат мажлисида Навоий вилоятида кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга доир қонунларнинг қандай ижро этилаётгани, шу жумладан, хорижий сармоя иштирокидаги инвесторлар билан боғлиқ масалалар, фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, шартнома интизоми, қишлоқ хўжалигига оид қонунларга риоя қилинишининг аҳволи, шунингдек, Навоий вилояти адлия бошқармаси фаолияти юзасидан вазирлик ишчи гуруҳи 2004 йил март ойида ўтказган ўрганиш натижалари муҳокама этилди.

Tadbirkor va taraqqiyot

ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖИ: МУАММО ВА ЕЧИМ

ИККИНЧИ МАҚОЛА

Ҳайъат мажлисида қайд этилдики, Навоий вилоятида тадбиркорлик субъектлари ривожланишининг ҳақиқий аҳволи ва бу борадаги мавжуд муаммоларни ўрганиш мақсадида, махсус саволнома асосида вилоят бўйича 2003 йилда 600 нафар, 2004 йил январ ойида эса 650 нафар тадбиркор ҳамда 20 та хорижий инвесторлар ва хорижий инвесторлар иштирокидаги корхоналар иштирокида сўровлар ўтказилган.

Сўровда иштирок этган тадбиркорлар давлат рўйхатидан ўтиш, ер ажратиш, лицензия, турли хилдаги рухсатномалар ва кредит олиш, коммуникация тармоқларига уланиш, тегишли идораларга ҳисоботлар топшириш, назорат ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар текширганда таъмагирликка дуч келишганини билдиришган.

Сўралганларнинг 1 нафари ҳокимият, 2 нафари назорат қилувчи идоралар томонидан бир йилда 1 мартадан 10 мартагача асоссиз равишда фаолиятларини узоқ муддатларга тўхтатиб қўйилганини билдиришган. Бу каби ҳолатларнинг мавжудлигини сўровда иштирок этган вилоятдаги 20 та хорижий инвестициялар ва хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар ҳам билдиришган.

Вилоят адлия бошқармаси томонидан 2004 йил 1 чорагида тадбиркорлик ва шартномавий муносабатлар борасидаги қонунбузарликларни бартараф этиш бўйича 21 та тақдимнома киритилган. Бироқ бирорта ҳам қонунни бузган мансабдор шахс эгаллаб турган лавозимидан озод қилинмаган. Адлия вазирлиги ишчи гуруҳи томонидан ўтказилган ўрганишда 26 та ҳолатда текширишлар тартибини қўпол равишда бузилиши ва 3 та тадбиркорлик субъектларида ноқонуний текширишлар ўтказилганлиги аниқланган бўлишига қарамай, адлия бошқармаси ҳанузгача ушбу ҳолатлар юзасидан қатъий таъсир чоралари кўрмаган. 2003 йилда адлия бошқармаси томонидан вилоятда ўтказилган ўрганишлар натижасида тадбиркорларнинг маблағларини ноқонуний жалб қилиш ҳолатлари аниқланмаган. Адлия вазирлиги ишчи гуруҳи томонидан 2003 йилда ўтказилган ўрганишлар натижасида эса 74 нафар тадбиркорларнинг маблағларини маҳаллий ҳокимият идоралари томонидан ноқонуний жалб этилгани аниқланган. Шу сабабли вилоят адлия бошқармаси жорий йил давомида туман ва шаҳарларда ушбу масала юзасидан чуқур ўрганишлар ўтказиши лозим. Вилоятда шартнома мажбуриятлари бажарилиши қониқарли даражада эмас. Шунга қарамай вилоят адлия бошқармаси томонидан шартнома мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш юзасидан судларга даъво аризалари киритилмаган.

Ўтган уч ой мобайнида фермер хўжаликлари манфаатларини кўзлаб, 3 та даъво аризаси киритилган, холос. Бундан хулоса қилиш мумкинки, фермер хўжаликларининг манфаатларини кўзлаб, судларга даъво аризаларини киритишга эътибор берилмаган.

2004 йилнинг 1-чорагида вилоят адлия бошқармаси томонидан тадбиркорлик ва шартномавий муносабатлар юзасидан бironта ҳам шахсга нисбатан моддий ва маънавий зарарларни ундириш юзасидан судга даъво аризалари киритилмаган ҳамда амалга оширилган ишлар тўлиқ ёритилмаган. Хусусан, бу борада нечта огоҳнома ва ёзма кўрсатмалар киритилгани, қанчаси қаноатлантирилгани, кўрилган чоралар ва бу борадаги ҳуқуқий тарғибот аҳволи, етказилган моддий ва маънавий зарар, бой берилган фойдани ундириш масалалари ҳамда "Ишонч телефонлари"га тушган хабарларга доир маълумотлар киритилмаган.

Хорижий инвестициялар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ҳуқуқини ҳимоя қилиш борасида 2003 йил якуни бўйича адлия бошқармаси бironта огоҳнома ва ёзма кўрсатма киритмаган, адлия бошқармасининг "Ишонч телефони"га йил давомида хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналардан бironта ҳам мурожаат тушмаган.

Адлия бошқармаси бўлимларида 2003-2004 йил иш режаси тузилишида ходимларнинг ҳар куни бажарадиган жорий ишлари иш режага киритилиб, муаммоли масалалар назардан четда қолган.

— Сўнгги йилларда фуқароларнинг мурожаатлари сони йилдан-йилга ортиб бориши таҳлилига мувофиқ иш режада тадбир белгиланишига аҳамият берилмаган;

— Жамоат бирлашмаларини ва диний ташкилотларни рўйхатга олиш бўлимининг 2003 йил 2-ярим йиллик учун тузилган иш режасининг 5-6 бандида белгиланган тадбирлар кундалик иш бўлиб, унда диний ташкилот ва жамоат бирлашмаси низомларини рўйхатга олишни сўраб мурожаат қилинган аризалар билан ишлаш, уларни давлат рўйхатидан ўтказиш белгиланган;

— Нотариат, ФҲДЁ, адвокатура бўлимининг 2003 йил учун мўлжалланган иш режаларида "адлия ходимларининг малакасини ошириш мақсадида уларни Республика юристлар малакасини ошириш марказига ўқишга юбориш" ҳақида тадбир белгиланган. Ваҳоланки, бу ишлар билан асосан кадрлар бўлими шуғулланиши лозим;

(Давоми иккинчи бетда)

Тошкент вилояти ҳудудидаги "UGAM CHOTQOL" Давлат табиат Миллий боғи бошқармаси мавжуд назорат-касса машиналарининг техник ҳолатини текшириб, назорат қилиб туриш мақсадида Тошкент шаҳридаги очиқ турдаги масъулияти чекланган "Гаровтараққиёт НКМ" жамияти билан 2001 йил 9 март куни 8255-сонли шартнома тузган эди. Шартноманинг амал қилиш муддати чегараланмаган бўлиб, заруратига қараб, техник хизмат кўрсатиш турига мувофиқ келишилган нархларда, ёзма баённомага асосан ҳисоб-китоб қилиш кўзда тутилганди. Шунинг учун бўлса керак, бошиданоқ ўз ишини пишиқ қилган Миллий боғ маъмурияти Бўстонлиқ туман Давлат солиқ инспекцияси ва "Савдоэлектроника" шўъба корхонаси ходимлари билан ҳамкорликда ўтказилган текшириш натижаларидан ҳайратдан ёқа ушлаб қолишди. Текширувчилар Миллий боққа қарашли "Оқтош" назорат масканида ўрнатилган назорат-касса машинасида жиддий носозликларни аниқлашди. Натижада Миллий боғ маъмуриятига катта миқдордаги молиявий жарима солинди.

Dakki

САНАМАЙ САККИЗ ДЕМАНГ...

Жабрланувчилар ўзларининг ҳақ эканликларини исботлаш учун даста-даста қоғозларини кўтариб, бормаган идоралари қолмади. Лекин бундан ҳеч қандай натижа чиқмади. Энг ёмони, улар келтирган далил-исботларга солиқчилар назар ҳам ташлашмади. Шундан сўнг "UGAM CHOTQOL" Давлат табиат Миллий боғи бош директори А.Абдужамилов 2003 йил 24 сентябрда Тошкент вилояти адлия бошқармасига қуйидаги мазмунда ариза ёзди: "UGAM CHOTQOL" Давлат Табиат Миллий боғи назорат-текширув шаҳобчаларида Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 23 майдаги 230-қарорининг бажарилиши юзасидан Бўстонлиқ тумани Давлат солиқ инспекцияси ходимлари 2003 йил 18 август куни текширув ўтказишди. "Савдоэлектроника" шўъба корхонаси вакиллари ҳам улар билан бирга келишди.

Текшириш жараёнида Миллий боққа қарашли "Оқтош" назорат-текширув шаҳобчасига ўрнатилган "Электроника 9206" русумли, завод рақами 11534 бўлган, 2003 йил 29 мартда 231-сон билан Бўстонлик туман Давлат солиқ инспекцияси томонидан рўйхатдан ўтказилган назорат-касса машинаси фискал хотирасига хизмат кўрсатувчи дастурнинг завод муҳри (пломбаси) мавжуд эмаслиги аниқланган ва бу ҳақда тегишли баённома тузилган. Туман ДСИ қарорига асосан "UGAM CHOTQOL" Давлат табиат Миллий боғи бошқармасига нисбатан энг кам иш ҳақининг 200 баробари миқдорида, яъни 1.088.000 сўм молиявий жарима қўлланилди.

Бошқарма томонидан мавжуд назорат-касса машиналарининг техник ҳолатини текшириб, назорат қилиб туриш мақсадида 2001 йил 9 март куни Тошкент шаҳридаги очиқ турдаги масъулияти чекланган "Гаровтараққиёти НКМ" жамияти билан 8255-сонли шартнома тузилган эди. Шартномага мувофиқ мазкур корхона назорат-касса машиналарини техник кўрикдан ўтказган.

Шартнома ҳар иккала томон тарафидан бажариб келинган. 2002 йил 24 майда ушбу шартномага қўшимча равишда келишув баённомаси тузилган бўлиб, унга асосан "UGAM CHOTQOL" ДТМБ бошқармаси "Гаровтараққиёт НКМ" жамияти ҳисоб рақамига 2002 йил 27 майда назорат-касса машиналарини кўрикдан ўтказиб бериш учун 66 минг сўм миқдорида пул маблағи ўтказган.

"Гаровтараққиёт НКМ" МЧЖ "Электроника-9206" русумли, завод рақами 11534 назорат-касса машинасини таъмирлаш вақтида фиксал хотирасига хизмат кўрсатиш дастурида завод муҳри (пломба) йўқлигини аниқлаган ва бу ҳақда 2002 йил 27 май куни 47-сонли далолатнома тузилган. Лекин шунга қарамай мазкур «НКМ» ишга яроқли деб топилган ва ташқи томондан муҳрланиб, 2002 йил 28 май куни 118-сонли юк хати билан ишончнома орқали бошқармамизга топширилган.

(Давоми иккинчи бетда)

САНАМАЙ САККИЗ ДЕМАНГ...

Dakki

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Қисқаси, мазкур «НКМ» 2002 йил май ойидан то текшириш кунигача "Оқтош" назорат-текширув шаҳобчасида ишлатиб келинган. «НКМ»нинг муҳрлари бузилмаган, бинобарин, унинг фискал хотира тизимига ташқаридан ҳеч қандай таъсир ўтказилмаган.

Бўстонлиқ тумани Давлат солиқ инспекциясининг 2003 йил 27 августдаги 306-қарорига асосан бошқарма ҳисобидан ундириб олинган молиявий жаримани қайтариб олишда қонун доирасида амалий ёрдам беришингизни илтимос қиламиз".

Аслини олганда, айнан назорат-касса машиналарига сервис хизматини кўрсатишга ихтисослашган "Гаров-тараққиёт НКМ" корхонаси 8255-сонли шартноманинг 3.3 бандига мувофиқ буюртмачини манфаатларини учинчи томон олдида ҳимоя қилиш тўғрисидаги мажбуриятидан келиб чиқиб оқилона иш юритганда, эҳтимол олам гулистон эди. Афсуски, бунинг ўрнига у четга чиқиб олди.

Тошкент вилояти адлия бошқармаси ходимлари шикоят аризасида келтирилган далилларни синчиклаб ўрганиб чиқиб, қуйидаги хулосага келишди.

Ҳақиқатан ҳам, 2003 йил 25 август куни Бўстонлиқ тумани Давлат солиқ инспекцияси ходимлари томонидан "Савдо электроника" шўъба корхонаси билан ҳамкорликда "UGAM CHOTQOL" Давлат табиат Миллий боғига қарашли "Оқтош" назорат масканида қисқа муддатли текшириш ўтказилган. Текширувчилар ушбу назорат масканига ўрнатилган "Электроника-92-06" русумли назорат-касса машинаси носоз ҳолатда, деган хулосага келиб, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 23 майдаги 230-сонли қарорига асосан энг кам ойлик иш ҳақининг 200 баробари миқдорида, яъни бир миллион саксон саккиз минг сўм молиявий жарима қўллаган.

Молиявий жарима қўллашда "Савдо-электроника" шўъба корхонасининг 2003 йил 21 августдаги «НКМ»ни техник кўрикдан ўтказилгани тўғрисидаги далолатномаси асос қилиб олинган. Ушбу далолатномада «НКМ»нинг завод муҳри йўқлиги, фискал хотира тамғаси бузилгани туфайли фискал хотирага рухсатсиз кирилгани, айни пайтда ДСИ муҳри бузилмагани баён қилинган.

Эътибор берган бўлсангиз, юқоридаги далолатнома 21 август санаси билан қайд этилган бўлиб, текширишдан 4 кун аввал тўлдирилган бўлиб чиқади. Буни оддий чалкашликка йўйиб кўя қолишимиз ҳам мумкин. Лекин бутун бошли бошқарма тақдирини ҳал қиладиган ҳужжатдаги бундай хато-беписандлик ва эътиборсизликдан бошқа нарса эмас. Энди масаланинг бошқа жиҳатига эътибор қаратайлик.

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 23 майдаги **"Назорат-касса машиналаридан фойдаланишда жавобгарликни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги 230-сонли қарори ва Адлия вазирлигида 2003 йил 28 майда 05-198-рақам билан рўйхатга олинган Тартибнинг 7-бандига мувофиқ фискал хотирага хизмат кўрсатиш дастури бузилган ҳолда техник талабларга мувофиқ бўлмаган назорат-касса машиналаридан фойдаланилаётганини тасдиқловчи техник экспертиза хулосаси олинган тақдирда юридик шахс ва якка тартибдаги тадбиркорларга нисбатан Давлат солиқ идоралари томонидан энг кам иш ҳақининг 200 баробари миқдорида молиявий санкция қўлланилиши белгиланган. Шунингдек, мазкур қарорнинг 1-бандида **"Назорат-касса машиналарини мамлакатимизда ишлаб чиқарувчилар, уларга етказиб берувчилар ва улардан фойдаланувчилар, шунингдек, уларга техник хизмат кўрсатиш ва уларни таъмирлаш корхоналари фойдаланилаётган назорат-касса машиналарининг белгиланган техник талабларига мувофиқлиги, машинанинг даромад яширилишига кўмаклашувчи фискал хотирасига хизмат кўрсатувчи дастурнинг ноқонуний ўзгартирилганлиги учун амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ жиноий жавобгарликка бўлган тартибда жавоб берадилар"**, деб қайд этилган.

Бироқ Бўстонлиқ тумани Давлат солиқ инспекцияси томонидан "UGAM CHOTQOL" Давлат табиат Миллий боғи корхонасини даромад яширгани ёки «НКМ»нинг фискал хотирасига хизмат кўрсатиш дастури ноқонуний ўзгартирилгани аниқланмаган.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, фискал хотира тамғаси йўқлиги ёки фискал хотирага рухсатсиз кириш юқоридаги қарорда кўзда тутилган жавобгарликни юзага келтирмайди, яъни фискал хотира билан фискал хотирага хизмат кўрсатиш дастури бошқа-бошқа нарсалардир. Бундан ташқари, ушбу «НКМ» бузилгани натижасида "Гаров тараққиёт НКМ» МЧЖ томонидан қайта таъмирланиб, 2002 йил 21 майда тузилган 47-сонли далолатномада фискал хотираси тамғаси бузилгани аниқ кўрсатилган. Энг муҳими, «НКМ» қайта таъмирлангандан сўнг туман ДСИ томонидан тамғаланган ва бу тўғрида "UGAM CHOTQOL" корхонасига эътироз билдирилмаган. Юқоридагилардан келиб чиқиб Тошкент вилояти адлия бошқармаси 2003 йил 27 октябрда 02-1/2931-рақами билан Тошкент вилояти Давлат солиқ бошқармаси бошлиғи номига "UGAM CHOTQOL" ДТМБ га нисбатан қўлланилган молиявий жаримани бекор қилиш тўғрисида бажарилиши мажбурий бўлган тақдимнома киритди.

Аммо орадан икки ойдан зиёд вақт ўтганига қарамай тақдимнома ижро этилмагач, вилоят адлия бошқармаси 2004 йил 6 январда 02-1/ИН рақамли огоҳнома билан қайта мурожаат қилишга мажбур бўлди.

Шу йилнинг 8 январ куни вилоят ДСИ бошлиғи имзоси билан молиявий жаримани бекор қилишга қонуний асос мавжуд эмаслиги тўғрисидаги жавоб олинди. Шундан сўнг Тошкент вилояти адлия бошқармаси вилоят хўжалик судига "UGAM CHOTQOL" Давлат табиат Миллий боғи бошқармасига нисбатан Бўстонлиқ туман Давлат солиқ инспекциясининг 2003 йил 27 августдаги молиявий жарима қўллаш ҳақидаги қарорини бекор қилиш тўғрисида 02-1/0943 рақамли даъво аризаси киритди.

Шу йилнинг 15 апрел куни бўлиб ўтган вилоят хўжалик суди мажлисида ушбу даъво аризаси кўриб чиқилди. Суд 1.088.000 сўм молиявий жаримани ҳақиқий эмас деб топди.

Тошкент вилояти адлия бошқармаси 26 апрел куни вилоят Давлат солиқ бошқармаси бошлиғи номига огоҳнома билан мурожаат қилиб, ноқонуний молиявий жарима қўллашда айбдор бўлган шахсларни интизомий жавобгарликка тортиш масаласини ҳал қилиш талабини қўйди.

Халкимизда "санамай саккиз деманг", деган ҳикматли нақл бор. Бу нақлга амал қиладиган бўлсак, қуйидагича хулосага келиш мумкин: кимдандир ниманидир талаб этиш учун аввало ўзинг уни яхши билишинг зарур. Айниқса, қонун ва қарорлар ҳамма жойда бир хил талқин этилиши шарт. Бинобарин, қонун ваколатли идоралар учун ҳам, оддий фуқаролар учун ҳам бир хил қучга эга ва уни бузишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Рустам ХУДОЙҚУЛ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Saboq

ШАРТНОМА ва МАСЪУЛИЯТ

"Зиё Қаҳҳор" фермер хўжалиги "Оқ-олтиндон" акциядорлик жамияти билан ўтган йили контрактация шартномаси тузиб, шунга кўра 46,3 тонна буғдой етказиб бериш бўйича зиммасига олган мажбуриятини бажарган эди. Аммо бунинг асл тубини суриштирсангиз, бир томонлама бажарилган шартнома бўлиб чиқади. Яъни акциядорлик жамияти ғалла ҳосили учун фермер хўжалиги билан ҳисоб-китоб қилишга шошилмади. Ваҳоланки, шартноманинг 2,3-бандига асосан, "Тайёрловчи", яъни акциядорлик жамияти ўзига етказиб берилган дон учун белгиланган нархларда тўлиқ қийматини тўлашни 7 кун муддатда амалга ошириши керак эди. Шунингдек, шартноманинг 3"а" бандига асосан "тайёрловчи банки" ҳам ҳисоб-китобни белгиланган муддатда амалга ошириш мажбуриятини зиммасига олган.

Бироқ шартнома бўйича ўзаро ҳамкорларнинг ўз мажбуриятларини бажариши алоҳида шахслар истаги билан барбод қилинган бўлиб чиқаяпти. Мана мисол: "Оқ-олтиндон" билан "Зиё Қаҳҳор" ўртасида 2004 йил 3 январда оралиқ таққослаш далолатномаси тузилган. Жамият ҳисобчиси Ш.Умрзоқовнинг тушунтиришича, бу қуйидагича бўлган: "Зиё Қаҳҳор" фермер хўжалигининг жами қарзи 1964000 сўмни тугатиш комиссияси тақсимлаб берган эди. Лекин 1378200 сўм ушлаб қолганман, сабаби музлатилган қарзнинг реестрини бизга тугатиш комиссияси шундай берган".

Шунга қарамай фермер хўжалигининг ҳақи ноқонуний ушлаб қолинганлиги маълум бўлгач, жамият билан фермер хўжалиги ўртасида таққослаш далолатномаси тузилиб, якуний ҳисоб-китоб бўйича фермер хўжалигига 1671353 сўм тўланиши керак бўлган. Шу ҳақдаги барча ҳужжатлар шу йил 3 январ куни расмийлаштирилиб, тўлов учун "Баллабанк"нинг Сирдарё вилоят бўлимига тақдим этилган. Лекин банк ходими Ш.Ўсаров ҳужжатларни қабул қилмай қайтариб юборган. Натижада фермер хўжалиги ўз маблағини апрел ойига қадар ололмай келди.

Ҳолбуки, Адлия вазирлигида 1999 йил 1 мартда (2000 йил 25 февралда ўзгариш ва қўшимчаси билан) рўйхатга олинган **"Давлат эҳтиёжи учун қабул қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини фонд орқали келиб тушган маблағларни ҳисоб-китоб қилиш тўғрисида"**ги Тартибнинг 3,2 бандига асосан ПК-10 шаклли қабул квитанцияси ва оралиқ далолатномаси текширилгандан сўнг 7 банк кунида тўлиқ ҳисоб-китоб қилиниши лозимлиги белгиланган. Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 29 августдаги 438-қарори билан тасдиқланган "Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари контрактация шартномасини тузиш ва бажариш тартиби тўғрисида"ги Низомнинг 24-бандида ҳам оралиқ далолатномаси расмийлаштирилган кундан бошлаб 7 банк кунида якуний ҳисоб-китоб қилиш мажбурий, деб кўрсатилган. Бироқ ўзаро сансоларлик натижасида ҳуқуқбузарликка йўл қўйилган ва фермер хўжалиги манфаатига жиддий зарар етказилган.

Хўш, ўша тугатиш комиссияси ва қарз деган тушунчалар қаердан келиб чиқанди, деб сўрашингиз тайин. Гап шундаки, ўтган йили Сайхунобод туманидаги "Галаба" ширкатлар уюшмаси иқтисодий ночорлиги туфайли тугатилиб, унинг ерлари фермер хўжаликларига бўлиб берилди. Туман ҳокимлиги томонидан тузилган тугатиш комиссияси бу ширкат хўжалиги зиммасидаги қопланмаган қарзларни янги фермер хўжаликларига тақсимлаб чиқди. Кимнинг зиммасига ғалла, ёнилғи, ўғит, техника хизмати бўйича қанча қарз ёзилгани ҳақидаги рўйхат ушбу корхоналарга тақдим этилгач, улар фермерлардан топширилган ҳосил ҳақини тўлиқ олиб қола бошлашди. Ҳолбуки, ширкат хўжалигидан мерос қолган қарзларни қачон ва қанчадан тўлаб бориши лозимлиги тўғрисида фермер хўжаликлари билан ўзаро шартнома тузиб олиниши, демакки, фермернинг шахсан розилигини олиш шарт эди. Ушбу ҳолатда эса бундай бўлмади. Ҳатто янги фермерларга қарзнинг келиб чиқиши ва ер бонитетига қараб қанчадан тақсимланиши ҳам тушунтириб ўтирилмади. Бунинг устига, қарзларни дарҳол ундириб олиш ҳаракатига тушиб қолинди.

Шу ўринда масаланинг яна бир жиҳатини ҳам айтиб ўтиш жоиз. Гап шундаки, "Галаба" ширкат хўжалигининг 142.993.000 сўмлик активи тўғри расмийлаштирилмаган. Оқибатда бу янги фермерлар норозилигига сабаб бўлиб, улар юқори идораларга, жумладан, Адлия вазирлигига шикоят ва аризалар билан мурожаат эта бошлашган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 январдаги 8-қарорининг 6-иловасига асосан тасдиқланган **"Қишлоқ хўжалиги корхоналарини фермер хўжаликларига айлантиришда активлар ва пассивларни тақсимлаш" Тартибининг 8-бандида, агар хўжаликда қопланмаган зарар мавжуд бўлса, у ҳолда зарар хўжаликнинг заҳира, ё бошқа фондлари ҳисобидан қопланади,** дейилган. Лекин ушбу ҳужжат талабларига хўжаликни тугатиш комиссияси риоя этмаган.

"Галаба" ширкат хўжалигининг "Оқ-олтиндон" акциядорлик жамиятидан қарзи 25698 минг сўмни, "Оқ-олтин кимё" базасидан 15412 минг сўмни, Гулистон нефт маҳсулотлари корхонаси Сирдарё филиалидан 12115 минг сўмни ташкил этган. Кўриниб турибдики, бу қарзлар аввало, тугатилаётган хўжалик активидаги иморат, техника ва бошқа мол-мулклар билан ҳам қопланиши мумкин эди. Бироқ тугатиш комиссиясининг лоқайд муносабати туфайли булар ҳисобга олинмай қолган. Оқибатда қарзларни янги фермерлар ҳисобидан қоплашга ҳаракатлар бошланган. Ахир, ўзингиз ҳисоблаб кўринг, 55 миллион сўм турадиган техникани туман МТП ҳисобига, хўжалик активидаги молмулклардан салкам 40 миллион сўмлигини туман ҳокимияти балансига, 10 миллион сўмликдан зиёд молмулкни хизмат кўрсатувчи корхоналар ҳисобига далолатнома асосида топшириб юбориш, яна хўжаликнинг 80332 минг сўмлик молмулкини «кимошди» савдосига қўйиб туриб, тугатилаётган хўжаликни қарздор эди, деб туриш инсофнинг қайси турига киради? Ҳатто туман ҳокимининг 2003 йил 25 январдаги қарори ҳам бажарилмай қолган. Яъни хўжаликнинг мавжуд техникаси негизида муқобил машина-трактор парки ташкил этилиши лозимлиги кўрсатилган бўлса-да, бутун техника туман МТП балансига ўтказиб юборилган.

Шу боис тугатиш комиссиясининг ушбу ножоиз ҳаракати устидан туман прокуратураси жиноий иш қўзғатди.

Яхшиямки, ушбу салбий ҳолатларга ўз вақтида чек қўйилди. Вилоят адлия бошқармаси ходимлари "Галаба" хўжалигида янги фермерлар билан учрашувда, улар даъво аризаси билан судга мурожаат этиб, ҳали ҳам тўланмаётган ҳақларини айбдорлардан ундириб олишлари мумкинлиги тушунтирилди. Амалда ҳам шундай бўлиб чиқди.

"Зиё Қаҳҳор" фермер хўжалигига вилоят хўжалик судининг ҳал қилув қарори билан "Оқ-олтиндон" акциядорлик жамиятидан 1621353 сўм асосий қарз ва 220 минг сўм устама ундириб берилди.

Албатта, устама маблағи миқдори нега камроқ, деган савол беришингиз мумкин. Суд "Оқ-олтиндон"нинг ночор иқтисодий аҳволи, кредиторлик қарзларининг кўплигини ҳисобга олиб, асосий қарзнинг ўтказиб юборилган давр учун шартнома бўйича белгиланиши лозим бўлган устама маблағи миқдорини қисқартиришни лозим деб топди. Лекин муҳими бу эмас, асосийси, "Галаба" ширкат хўжалиги негизида ташкил топган ўнлаб янги фермер хўжаликлари мана шундай ҳуқуқий ёрдам олди ва уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари тикланди. Бу бошқаларга ҳам сабоқ бўлиши керак.

Мардали МАҲМУДОВ,
ҳуқуқшунос

Qonun dastagi

РАИС ҲУШЁР ТОРТДИ...(МИ?)

Шўролар замонидан қолган тўрачилик, лоқайдлик каби ёмон иллат баъзи раҳбарлар табиатидан ҳамон ситилиб чиққан эмас.

Қуйидаги воқеа ҳам бу фикрни исботлайди.

"Зебо" деҳқон-фермер хўжалиги туман ҳокимининг 1999 йил 9 январдаги 48-К сонли қарори билан фермер хўжалиги сифатида қайта рўйхатга олинади. Айни шу куни туман ҳокимининг 49-К сонли қарори ҳам чиқади. Кейинги қарор билан фермер хўжалигига Мирзо Улуғбек номидаги ширкат хўжалиги ҳудудидан 50 йил муддатга 15 гектар қўшимча экин майдони ажратилиб, тадбиркорнинг ер майдони 18 гектар қилиб белгиланади. 2000 йилнинг 30 май санасида туман ер ресурслари хизмати бўлими фермер хўжалигига ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг давлат рўйхатига олинганлиги ҳақида гувоҳнома беради. Ширкат хўжалиги ер балансидан чиқарилган майдон фермернинг ҳисобига ўтказилгач, энди бу майдонга ширкат хўжалиги эгалик қилишга ҳаққи йўқ. Демак, "Зебо" фермер хўжалиги аъзолари 18 гектар майдонда деҳқончилик қилиб, ўзларини нимага қодир эканини кўрсатишса, бас. 50 йил давомида ер фермерники.

Энди буёғини сўрасангиз, 18 гектар ер майдони фермерга фақат қоғозда берилганди. 25-контурдаги 4 гектар майдонга ширкат хўжалиги ноқонуний эгалик қилиб турганди. Янада аниқроқ айтганда, улар пудратчи Фарҳод Шукуров билан 2001 йил 18 январда уч йил муддатга пудрат шартномаси тузишганди.

Андиша яхши-ю, аммо унинг номини қўрқоқ тутган ёмон. Э.Қурбонов пудратчи билан ширкат хўжалиги ўртасидаги шартнома муддати тугаса, сўнгра еримни беришар, деган андиша билан шунча вақт қонуний ерига бошқалар эгалик қилса-да, "ғинг" демади. 2003 йилнинг декабр ойининг охирида фермер кутган пудрат шартномаси тугади. Аммо ширкат хўжалиги раҳбарлари туман ҳокимининг қарорини тан олмадими ёки ернинг хўжайини биз деб тушундими, ишқилиб, фермер хўжалиги раҳбари Э.Қурбоновнинг арзига қулоқ солишмасдан 25-контурдаги ўша 4 гектар ер майдонини яна фермерга ажратиб беришмади. "Сам-Мадад-Таҳлил" аудиторлик фирмаси 4 гектар ер майдонини ололмаслиги оқибатида фермер хўжалиги бой берган фойдани ҳисоблаб чиқди. Агар "Зебо" фермер хўжалиги ўша тўрт гектар майдонни ўз вақтида олиб, ердан одатдаги фуқаролик муомаласи шароитида фойдаланганда, 2001 йилда 335 минг, 2002 йилда 356 минг ва 2003 йилда 419 минг сўм жами – 1 миллион 110 минг сўм миқдорида даромад олиши мумкин экан.

Самарқанд вилояти адлия бошқармаси аниқланган бу қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан Мирзо Улуғбек номидаги ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Раҳматулла Жалолов номига тақдимнома киритган эди. Тақдимномада фермер хўжалигига қонуний асосда тегишли бўлган ер майдонини ажратиб бериш ва етказилган зарарни ҳисоб-китоб қилиш сўралганди. Маълумки, тақдимнома ўн беш кун муддатга ижро этилиши мажбурий. Лекин у хўжаликнинг рўйхатга олиш китобига кирим қилинган бўлса-да, хўжалик раҳбари томонидан ижроси таъминланмади.

Адлия бошқармаси ходимлари тақдимнома ижроси юзасидан яна ширкат хўжалигига боришади. Бу ҳақда Р.Жалоловга шахсан тушунтириш бериб, далолатнома тузишади. Шундан сўнг раис ҳаракатга тушгандир деб ўйласангиз, хато қиласиз. Чунки раис тақдимномага беписандлик билан қаради. Фермер хўжалиги фаолиятига тўсқинлик қилиб, унга тегишли тўрт гектар ерни яна Ф.Шукуровга пудрат шартномаси асосида бериб юборди. Ахир, ширкат хўжалиги бошқаруви раиси томонидан 2004 йилга ўтиб яна пудратчига фермерга тегишли ернинг тортиқ қилингани ўзбошимчалик эмасми?

Вилоят адлия бошқармаси Р.Жалоловнинг маъмурий жавобгарликка тортиш масаласини кўриб чиқиш учун тўпланган ҳужжатларни судга юборди. Жиноят ишлари бўйича Каттақўрғон туман суди Р.Жалоловни ҳуқуқбузарликни содир этганликда айбли деб топиб, жарима жазоси белгилайди.

Раҳматулла Жалолов қонун деганини тан олишни истамасдан ўзига берилган жазодан тегишли хулоса чиқармади. Аксинча, тўнни тескари кийиб олиб, фермер хўжалигига ерни беришга яна тўсқинлик қилди.

Қонуннинг қудрати чексиз. Бири бўлмаса, иккинчиси ишга тушади. Камчиликлар бартараф қилиниб, ҳақиқат қарор топмаса, айбдорга аввалгисидан оғирроқ жазо қўлланилади. Адлия бошқармаси шу йилнинг 17 апрел куни фермер хўжалиги манфаатини кўзлаб, ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Р.Жалолов ва қўшимча жавобгар – ширкат хўжалиги оила пудратчиси Ф.Шукуровга нисбатан ер майдонини олиб бериш, улар ўртасида тузилган пудрат шартномасини бекор қилиш ва 1 миллион 110 минг сўм миқдорида бой берилган фойда ҳамда 100 минг сўм маънавий зарарни ундириш тўғрисида фуқаролик ишлари бўйича Каттақўрғон туманлараро судига даъво ариза киритди. Суд даъвони тўлиқ қаноатлантирди. Бой берилган фойда ширкат хўжалиги ҳисобидан, маънавий зарар эса раиснинг ҳамёнидан ундирилди. Адлия бошқармаси вилоят прокуратурасига Р.Жалоловнинг қонунларга беписанд хатти-ҳаракати юзасидан тергов қўзғаш тўғрисида таклиф киритди.

Энди раис ҳушёр тортган. Тўнни тескари кийган билан фойдаси йўқлигини, қонун манманликни кўтармаслигини тушунган бўлса керак.

Абдуҳамид ТАМИҚАЕВ,
ҳуқуқшунос
Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Tadbirkor va taraqqiyot

ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖИ: МУАММО ВА ЕЧИМ

(Давоми. Боши биринчи бетда)

— Ташкилий-назорат ва таҳлил бўлимининг иш режасида бошқарма бўлимларида иш юритиш ва ижрочилик интизомига риоя қилиниши аҳволини ўрганиш белгиланган. Лекин ўрганиш натижасига кўра бирон-бир умумлаштириш ёки таҳлил ўтказиш ҳақида тадбир иш режада кўрсатилмаган.

Шунингдек, шартномавий ҳуқуқий ишларни назорат қилиш бўлимининг 2003 йил 2-ярим йиллик иш режасига мувофиқ корхона, ташкилотларда шартномалар тузилишининг қонунийлиги ва уларнинг бажарилишини ўрганиш белгиланган. Лекин бўлим томонидан биргина Қизилтепа туманидаги "Ўзқишлоқхўжаликкимё" акциядорлик компаниясининг филиали фаолияти ўрганиб чиқилган, холос. Ваҳоланки, Навоий вилоятининг туманларида "Ўзқишлоқхўжаликкимё" акциядорлик компаниясининг 7 та филиали мавжуд.

— 2003 йил 1-ярим йиллик иш режасида Жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотларни рўйхатга олиш бўлими Навоий шаҳри, Навоий, Конимех, Кармана, Нурота туманлари ҳудудидаги ислом динига мансуб диний ташкилотлар фаолиятини ўрганиб чиқиш ва унинг натижаси бўйича тақдимнома ҳамда огоҳнома киритиш белгиланган. Худди шу тадбир 2003 йил 2-ярим йиллик иш режасида ҳам яна такрорий равишда юқорида кўрсатилган туман ҳудудларидаги диний ташкилотларда ўтказилган. Лекин 2003 йилнинг 2-ярмида вилоятнинг Томди, Учқудуқ, Хатирчи ва бошқа туманларида ушбу тадбирни ўтказилиш чораси кўрилмаган.

Адлия бошқармасининг жамоат бирлашмалари, нодавлат ва нотижорат, диний ташкилотларнинг фаолиятини амалдаги қонунчилик талабларига мослигини таъминлаш борасидаги фаолиятида ҳам камчиликларга йўл қўйилган. Масалан, 2003 йил 29 октябрда рўйхатга олинган Навоий шаҳридаги 89-сонли "Марварид+(плюс)" теннис клубининг ташаббускорлар рўйхати йўқ ва баённомаси нотариал тасдиқланмаган. Адлия бошқармасида 2003 йил 11 августда 110-сон билан рўйхатга олинган Кармана тумани кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорлик ходимлари касаба уюшмасининг меъёрий таъсис ҳужжатларида низом мавжуд эмас.

Шунингдек, 2003 йил давомида давлат ва ҳисоб рўйхатларидан ўтказилган 27 та жамоат бирлашмалари томонидан ҳисоботлар тўлиқ топширилмаган. Бунга мисол қилиб Навоий шаҳридаги "Зебинисо аёллар маркази", вилоят "Эъзоз маркази", вилоят "Жонли табиат", вилоят "Рус жамоаси" ва Навоий шаҳридаги "Сайловчилар клуби", шунингдек, Хатирчи туманидаги «Жавадбек» қишлоқ ёшларини соғломлаштириш спорт клуби каби жамоат бирлашмаларини кўрсатиш мумкин.

Навоий вилояти ҳудудида 12 та давлат нотариал идоралари мавжуд бўлиб, унда 6 нафар катта давлат нотариуслари ва 11 нафар давлат нотариуслари фаолият кўрсатади. Шунингдек, вилоят ҳудудида 6 нафар хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар ҳам фаолият кўрсатади.

Нотариуслар фаолиятида **"Нотариат тўғрисида"**ги қонуннинг 31-моддаси талабига риоя қилмаслик ҳолатлар мавжуд. Масалан, Зарафшон шаҳри давлат нотариал идорасининг нотариуси Р.Ашрапова 2003 йил 3 ноябр кунги реестр рақами 1360 дан бошлаб, 2003 йил 28 ноябр кунги реестр рақами 1526 гача бўлган автомашина ва квартираларни тасарруфдан чиқаришдан ташқари амалга оширган нотариал ҳаракатлари бўйича давлат божлари 25 кун давомида йиғиб борилиб битта патта тўлови билан тўланган. Худди шундай ҳолатни Навбаҳор туман давлат нотариал идораси нотариуси З.Шукурова ёки Учқудуқ шаҳар давлат нотариал идораси нотариуси М.Набиева фаолиятида ҳам учратиш мумкин.

Шунингдек, айрим нотариуслар реестр китобини Адлия вазирлигининг 2002 йил 30 январда тасдиқлаган **"Нотариал ҳаракатларни рўйхатга олиш китобини тўлдириш бўйича амалий тавсиялар"**га зид равишда юритишмоқда. Хусусан, Навоий шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус И.Шарипов 2003 йил 21 апрел куни 815 реестр рақами билан амалга оширган нотариал ҳаракати билан фуқаро О.Турсунованинг турмуш ўртоғига чет элга чиқиши учун розилик берганини тасдиқлаган. Ушбу нотариал ҳаракатни расмийлаштиришда унинг шахси аниқланмаган ва паспорт маълумотлари реестр китобига ёзилмаган.

Ҳайъат мажлисида баён этилган камчиликларни бартараф этиш ҳамда қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан амалга оширилаётган тадбирларнинг самарадорлигини ошириш мақсадида тегишли қарор қабул қилинди.

Адлия вазирлиги
матбуот хизмати

Ajab savdolar

ҒОЙИБ БЎЛГАН КРЕДИТ

Аввалига ҳамма иш рисоладагидек кетаётган эди. Қумқўрғон туманидаги "Оққопчиғай" ширкат хўжалигида яшовчи тадбиркор С.Алланазаров катта умид билан "Халқ банки"нинг Термиз шаҳар бўлимига 3 миллион 500 минг сўм кредит ажратишни сўраб, барча ҳужжатларни тақдим этди. "Халқ банки"нинг Термиз шаҳар бўлими ходимлари унинг мурожаатини инобатга олиб, тез орада кредит ажратишга қарор қилишди. Тадбиркор С.Алланазаров ишлари осон кўчаётганидан табиийки, хурсанд эди. Бу орада бир неча марта Қумқўрғондан Термизга бориб келди.

Ниҳоят,кредит маблағи ажратилганини эшитиб енгил нафас олди. Аммо орадан кўп ўтмай, унинг қувончи саробга айланди. Негаки, унга ажратилган кредит маблағи нимагадир ҳисоб рақамига келиб тушмади. Бундан ҳайрати ошган тадбиркор масалага ойдинлик киритиб беришни сўраб, вилоят адлия бошқармасига мурожаат қилди. Кейинчалик ўрганиш давомида шу нарса маълум бўлдики, тадбиркорга ажратилган кредит маблағи 26/08-сонли шартномага асосан ем ва қорамол сотиб олиш учун Қизириқ туманидаги "Самандар" фермер хўжалигига ноқонуний равишда ўтказиб юборилган экан.

Банкнинг масъул раҳбарлари айби билан тадбиркор С.Алланазаровга кредит ажратиш тўғрисидаги йиғма жилд ҳужжатларида, умуман айтганда, банк бўлимида юқорида таъкидланган "Самандар" фермер хўжалиги билан тузилган 26/08 сонли шартноманинг ўзи йўқ эканлиги аниқланди. Энди ўзингиз тасаввур қилинг: буёқда тадбиркор бир дунё орзу-умидлар билан бўлажак ишларни сарҳисоб қилиб юрганда "Халқ банки"нинг Термиз шаҳар бўлими бошлиғи Э.Алимов, бош ҳисобчи П.Тоировлар гапни бир жойга қўйишиб, 3,5 миллион сўмлик кредитни ноқонуний равишда "Самандар" фермер хўжалиги ҳисоб рақамига ўтказиб юборган.

Бу бориб турган қонунбузарлик, янада очиқроқ айтадиган бўлсак, қинғирлик эмасми?! Агар бу ҳолатни қонун тили билан ифодалайдиган бўлсак, "Халқ банки"нинг Термиз шаҳар бўлими мутасаддилари томонидан тадбиркорлик субъектлари маблағини унинг ҳақиқий эгасининг розилигисиз, қалбаки ҳужжатлар асосида ўзлаштирилгани бу мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш, ўзганинг мулкини ўзлаштириш ва растрата қилиш йўли билан талон-тарож этиш, расмий ҳужжатларни била туриб, сохта маълумот ва ёзувлар киритиш каби жиноий аломатлар мавжуд. Шу сабаб адлия бошқармаси 2004 йил 31 март куни ушбу банкнинг мансабдор шахсларига нисбатан жиноят иши қўзғатиш тўғрисида вилоят прокуратурасига таклиф киритди. Шунингдек, юқорида баён этилган ҳолатлар бўйича якка тадбиркор С.Алланазаровнинг манфаатларини кўзлаб, "Халқ банки"нинг Термиз шаҳар бўлимига нисбатан 3,5 миллион сўмлик кредитни ўз вақтида ажратилмагани натижасида етказилган моддий ва маънавий зарарни ундириш ҳақида фуқаролик судига даъво аризаси киритилди.

Бундан ташқари, вилоят адлия бошқармаси томонидан иш режасига асосан ўтказилган текширишларда вилоятдаги тижорат банкларида тадбиркорларга кредит ажратиш билан боғлиқ масалаларда ҳукумат қарорлари ва меъёрий ҳужжатлар талабига риоя этилиш юзасидан 86 та қонунбузарлик ҳолатларига йўл қўйилганлиги аниқланди. Жумладан, "Тадбиркорбанк"нинг вилоят бўлимида кредит ажратиш ҳақидаги аризаларни кирим қилмаслик, тегишли ҳужжатларни талаб қилиб олмаслик, кредит шартномалари тузишда белгиланган меъёрий ҳужжатларга риоя этмаслик ҳолатлари ўрганилиб чиқилди. Ўтказилган текширув натижасига кўра, адлия бошқармаси томонидан киритилган тақдимномага асосан ушбу банк бўлимининг мутахассислари З.Омонова, Д.Исахонов, кредит бўлими бошлиғи У.Азимовларга "ҳайфсан" жазоси берилди.

"Пахтабанк"нинг Термиз шаҳар бўлимида ўтказилган текширишда кредит таъминоти сифатида тақдим қилинган гаров мулкларини нархлаш ҳақида тегишли далолатнома тузиш, кредит шартномаларида имтиёзли давр белгилаш, кредит шартномаларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш, кредит ажратишда белгиланган муддатларга риоя қилиш ҳолатлари ўрганилиб чиқилганда, банкка кредит олиш учун мурожаат қилган якка тадбиркор А.Тўраев ва Х.Раҳмоновнинг кредит ажратишдаги аризаларини ҳал этиш муддатлари бузилганлиги ва орадан уч ой ўтгач, бу масала ҳал этилгани аниқланди. Ушбу қонунбузарлик ҳолатлари бўйича адлия бошқармаси томонидан киритилган тақдимномага кўра, банкнинг масъул ходимлари А.Каттақулов, М.Холмурадова, З.Тўраназаровга жарима солинди.

Суд қарорига асосан қўйилган инкассали тўловномалар кўрсатилган маблағларни, банк тўғрисидаги қонунларга кўра, бюджет, солиқ, иш ҳақи, нафақа каби барча мажбурий тўловлар тўлангач, албатта, амалга оширишга мажбурдир. Бироқ айрим ҳолларда банкнинг масъул ходимлари томонидан суд қарорига асосан қўйилган «инкассали» тўловномаларни амалга оширишда қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилмоқда. Масалан, Бойсун туманидаги "Паҳлавон" хусусий корхонаси шу тумандаги "Хизмат" хусусий ишлаб чиқариш жамоа корхонасининг "Пахта банк"нинг Бойсун туман бўлимидаги ҳисоб-рақамига вилоят хўжалик судининг қарорига кўра, 2003 йил 13 ноябр кунида инкассали тўловнома тақдим этган эди.

Аммо суднинг қарорига асосан қўйилган инкассали тўловнома оддий қоғозга айланиб қолган. Ҳолбуки, биргина 2004 йил март ойида ҳам "Хизмат" корхонасининг барча мажбурий тўловлар амалга оширилгач, ҳисобидаги эркин айланма маблағдан Термиз давлат университетига 208.400 сўмлик контракт пул маблағи, туман мудофаа бўлимига муқобил хизмат учун 124.000, Самарқанд "ПП Авесто" корхонасига 1090000 сўмлик айланма маблағ тўлаб берилган. Суд қарорига асосан қўйилган инкассали тўловнома эса оддий қоғозга айланиб қолганлиги ажабланарлидир.

Албатта, бугунги кунда тадбиркорлик фаолияти банк билан бевосита боғлиқ экани ҳеч кимга сир эмас. Бинобарин, ҳар бир фермер ёки тадбиркор банкдаги ҳисоб рақамидаги маблағнинг салмоғига қараб иш тутади. Ҳар бир сўмни ҳисоб-китоб қилганича ўз режасини амалга оширади. Лекин унинг ҳақига хиёнат қилиш фермер ёки тадбиркорнинг амалга ошириши лозим бўлган ишларига жиддий тўсиқ ҳисобланади. Шу боис бундай тў

Huquqiy ma`rifat

САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИ: ТАҲЛИЛ ВА ҚИЁС

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Маълумки, Қонунчилик палатаси депутатлари профессионал асосда ишдан ажралган ҳолда доимий фаолият юритади. Шунинг учун қонунда номзодларни рўйхатга олиш учун тақдим қилинадиган ҳужжатда, номзоднинг депутат этиб сайланадиган бўлса, бажариб турган ишидан бўшаши ҳақидаги аризаси талаб қилиниши (аввал бундай талаб ҳамма номзодлар учун эмас, айрим депутатлик лавозими билан қўшилиши мумкин бўлмаган шахслардан талаб этиларди) кўрсатилди (24-модда).

Депутатликка номзодларга қўйиладиган талаблар ҳам қисман ўзгартирилиб, аввалги "Қасддан содир этилган жинояти учун илгари судланган фуқаролар"нинг ўрнига "содир этилган жинояти учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган фуқаролар" номзод сифатида рўйхатга олинмаслиги белгиланди (25-модда). Қонуннинг аввалги таъкидига кўра, аввал қасддан содир этган жинояти учун судланган шахс умрбод номзод бўлолмас эди. Янги қоидага асосан судланганлиги қонунга асосан тугаган ёки олиб ташланганлар номзод бўлиш ҳуқуқига эга.

Янги таҳрирдаги қонунда ҳукумат аъзолари, судьялар, Бош прокурор ва прокуратуранинг мансабдор шахслари, шунингдек, ижро идораларининг мансабдор шахсларини номзодликка рўйхатга олиш учун аризаси талаб қилиниши ҳақидаги қоида умуман чиқариб ташланди. Чунки унга энди эҳтиёж йўқ. Конституциямиз ва **"Сайлов тўғрисида"**ги қонунда депутатлар ҳамда номзодларга қўйиладиган талаблар халқаро мезонларга тўлиқ мос келиб, унда деярли ҳеч қандай ортиқча талаб ёки чекланишлар йўқ. Ҳолбуки, баъзи давлатларда ҳали ҳам мулкий, маълумот ва бошқа чеклашлар қўлланилади. Масалан, Канадада сенатор бўлиш учун номзод камида 4 минг долларга баҳоланадиган мулкка эга бўлиши зарур.

Қонуннинг иккинчи қисми **"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатини шакллантириш тартиби"** деб аталиб, у Парламентнинг юқори палатасини ташкил қилишга қаратилган қоидалардан иборат. Агар биринчи қисмда аввалги мавжуд қоидалардан шундайлигича ёки улардан такомиллаштирилган ҳолда фойдаланилган бўлса, иккинчи қисмдаги қоидалар мутлақо янги меъёрлардан ташкил топган. Чунки Сенат давлатчилигимиз тизимида янги тузилмадир.

Юқорида қайд этилганидек, Сенат поғонали сайлов йўли билан шакллантирилади. Сенат аъзолари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан 6 нафар кишидан иборат, шу ҳудуддаги барча вакиллик идораларининг қўшма мажлисида депутатлар орасидан сайланди. Бундай тажриба кўпчилик мамлакатларда синовдан ўтган ва у халқаро андозаларга мос келади. Сенатнинг 16 нафар аъзоси фан, санъат, адабиёт, ишлаб чиқариш соҳасида ҳамда давлат ва жамият фаолиятининг бошқа тармоқларида катта амалий тажрибага эга бўлган ҳамда алоҳида хизмат кўрсатган энг обрўли фуқаролар орасидан Президент томонидан тайинланади. Бундай тажриба кўплаб давлатларда мавжуд. Жумладан, Ирландия Сенатнинг ўн бир нафар аъзоси, Италияда Сенатнинг ўн бир нафар аъзоси (яна умрбод) Президент томонидан, Канада Сенатининг барча аъзолари умрбод генерал-губернатор томонидан тайинланади.

Сенатга сайлов жойлардаги вакиллик идораларига сайлов ўтказилгандан сўнг бир ойдан кечиктирилмай ўтказилади. Сенат аъзолигига сайланувчиларга қўйиладиган талаблар депутатларга қўйиладиган талабларга ўхшашдир. (53-модда).

Вакиллик идораларининг қўшма мажлиси барча депутатларнинг умумий сонининг учдан икки қисми ҳозир бўлса, Сенат аъзолигига сайлов ўтказиш учун ваколатли ҳисобланади. Масалан, Тошкент вилоятида сенаторлар сайлаш учун вилоят кенгаши, вилоятдаги барча туман ва шаҳарларнинг депутатларининг камида учдан икки қисми тўпланиши зарур. Масаланинг муҳимлиги ҳисобга олиниб, ана шундай кворум (мутлақ кўпчилик овоз) белгиланган.

Қўшма мажлис чақириш, номзод кўрсатиш, овоз бериш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади. Сенат аъзоларини сайлаш тартиби тўғрисидаги Низом Марказий Сайлов Комиссияси томонидан ишлаб чиқилиб, тасдиқланади.

Номзодни қўшма мажлисда ҳозир бўлган депутатларнинг ярмидан кўпи ёқлаб овоз берса, у сайланган ҳисобланади.

Овоз беришда тегишли миқдорда Сенат аъзолари сайланмаган бўлса, шу мажлиснинг ўзида такрорий овоз бериш ўтказилади. Сенаторлар Марказий Сайлов Комиссиясида рўйхатга олинади. Вакиллик идораларининг қўшма мажлислари, Марказий сайлов комиссияси қарорлари устидан ўн кун ичида Олий судга шикоят қилиш мумкин. Қонунда Сенат аъзоларининг такрорий сайлов ўтказилиши ҳам назарда тутилган. Ўтказилган сайлов ҳақиқий эмас деб топилса, такрорий овоз беришда ҳам белгиланган миқдорда (6 киши) Сенат аъзолари сайланмаган бўлса, такрорий сайлов ўтказилади. Такрорий сайлов сайланмай қолган Сенат аъзолиги учун ўтказилиб, асосий сайловдан сўнг кўпи билан ўн беш кун ичида ўтказилиши шарт.

Хориждаги айрим оммавий ахборот воситаларида Ўзбекистонда демократик сайловлар ўтказишга шароит йўқ, деган асоссиз даъволар учраб туради. Бу даъволарнинг пучлигини сайлов ўтказишни тартибга солувчи, демократик ва жаҳон андозаларига мос қонун ҳужжатларининг борлиги, уларни бузганлик учун жавобгарликнинг белгилаб қўйилганлигида кўриш мумкин. Сайловларнинг кузатувчилар, шу жумладан, халқаро кузатувчилар назоратида ўтиши ҳам бундай даъвонинг асоссизлигини исботлайди.

Сайлов тўғрисидаги қонуннинг 65-моддасида ушбу қонунни бузганлик учун жавобгарлик белгиланган. Фуқароларнинг сайлаш ва сайланиш, сайловолди ташвиқотлари олиб бориш ҳуқуқларини амалга оширишга ҳар қандай йўллар билан қаршилик кўрсатган шахслар, сайловларни сохталаштирувчи ҳужжатларни тузган, овозларни атайин нотўғри ҳисоблаган, овоз бериш яширинлигини бузган ёки ушбу қонунни бошқача ҳар қандай йўллар билан бузган сайлов комиссияларининг аъзолари, мансабдор шахслар сиёсий партияларнинг вакиллари, сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг аъзолари қонунга мувофиқ жавобгар бўлади. Парламент аъзолигига номзодлар ҳақида сохта маълумотларни эълон қилган ёки ўзгача тарзда тарқатган шахслар ҳам жавобгарликка тортилади. Жиноят кодексининг VII боби **"Фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши жиноятлар"** деб аталиб, унда сайлов ёки референдум ташкил қилиш, уларни ўтказиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун (146-модда) энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки олти ойгача қамоқ ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши; сайлов ҳуқуқининг ёки ишончли вакиллар ваколатларини амалга оширишига тўсқинлик қилганлик учун (147-модда) уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки олти ойгача қамоқ ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан жазоланиши белгиланган. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунларда ҳам сайлов ҳуқуқини бузганлик учун жавобгарлик мавжуд.

Булардан шундай умумий хулосалар келиш мумкинки, Конституциядаги сайлов тўғрисидаги меъёрлар, «Олий Мажлиса сайлов тўғрисида»ги (янги таҳрири) қонун барча демократик талабларга жавоб беради.

Энди асосий вазифа ана шу қонуний меъёрларни амалиётга самарали тадбиқ этишдан иборат.

Озод ХУСАНОВ,
юридик фанлари доктори,
профессор



Huquqiy savodxonlik sari

НИКОҲДАН АЖРАТИШ

бу борадаги судда иш қўзғатишнинг хусусиятлари

Мамлакатимизда оиланинг барқарорлиги ва равнақи учун қулай шарт-шароитлар яратиб берилган. Давлатимиз оналикни муҳофаза қилиш ва рағбатлантиришга, болаларнинг бахтли келажагини таъминлашга жиддий эътибор қаратмоқда. Ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, жисмоний ва маънавий чиниқтириш – оиланинг энг муҳим вазифаларидир.

Дарҳақиқат, 1998 йил 1 сентябрдан амалга кирган Оила кодексида янги ижтимоий-иқтисодий шароитларда оила манфаатларини ҳимоя қилиш, вояга етмаганлар ва меҳнатга лаёқатсиз оила аъзоларини ҳимоялаш устунлиги назарда тутилган.

Оилани асраш ва мустаҳкамлаш нафақат жамоатчилик олдида турган асосий вазифа, балки никоҳдан ажратиш тўғрисидаги низоли ишларни кўриб ҳал қилувчи судларнинг ҳам диққат-эътиборида турадиган масала ҳисобланади. Хусусан, Олий суд Пленумининг **"Судлар томонидан никоҳдан ажратиш ҳақидаги ишларни кўришда қонунларни қўллаш амалиёти тўғрисида"**ги 1998 йил 11 сентябрдаги қарорида ҳам судларга оилани мустаҳкамлаш, никоҳдан ажратиш ҳақидаги ишларни фуқаролик ишларининг энг муҳимларидан бири деб ҳисоблаш уқтирилади. Шунингдек, қарорда бундай ишларни кўришга эътиборни кучайтириш мажбурияти судларга юклатилиши ҳамда ёш оилалар ва вояга етмаган фарзандлари бўлган эр-хотинларнинг никоҳлари барқарорлигини сақлаб қолишга судлар алоҳида эътибор билан қараши лозимлиги белгиланган.

Никоҳдан ажратиш ҳақидаги ишлар даъволи ишлар тоифасига киради, судда эр ёки хотиннинг аризасига биноан даъво ишлари белгиланган тартибда ҳал этилади. Қоида бўйича бу ишлар судда, асосан, эр ёки хотиннинг даъво аризаси асосида қўзғатилади. Агар муомала лаёқатига эга бўлмаган эр ёки хотиннинг манфаатини ҳимоя қилиш талаб этилса, зарур ҳолларда даъво васий ёки прокурор томонидан ҳам қўзғатилиши мумкин.

Никоҳдан ажратиш ҳақидаги ишларни судда қўзғатиш босқичи бир қанча хусусиятларга эга. Умумий қоидага кўра, бу ишлар бўйича даъволар жавобгар доимий яшаб турган жойдаги туман (шаҳар) судида қўзғатилади (ФПКнинг 145-моддаси). Лекин даъвогарлар қуйидаги ҳолларда ўзлари яшаб турган жойдаги судларга мурожаат қилишлари мумкин:

— даъвогарнинг вояга етмаган фарзандлари бўлса;

— ногиронлиги ёки оғир касаллиги туфайли жавобгар яшаб турган жойдаги судга боришга қийналса.

Яшаш жойи номаълум бўлган шахс билан никоҳдан ажратиш ҳақидаги даъво, даъвогарнинг хоҳишига қараб, жавобгарнинг маълум бўлган охирги яшаш жойи ёки унинг мулки турган жойдаги судда, агар даъвогар билан вояга етмаган фарзандлари яшаётган бўлса ёки соғлиги туфайли жавобгарнинг яшаш жойига бориш қийинчилик туғдирса, даъвогарнинг яшаш жойидаги судда қўзғатилиши мумкин.

(Давоми тўртинчи бетда)

Jahon tajribasi

МЕДИАЦИЯ ИНСТИТУТИ

Дунё ҳуқуқ тизимида ҳуқуқбузар билан жабрланувчини яраштириш усули бўлган медиация институти ҳам кенг қўлланилади. Мазкур институт айрим турдаги жиноятлар юзасидан айбдор билан жабрланувчини яраштиришни назарда тутади. Бошқача айтганда, медиация жабрланувчига етказилган зарарни қоплаш бўйича келишувга эришиш мақсадида жабрланувчи ва ҳуқуқбузар ўртасидаги холис шахс (медиатор) иштирокида ихтиёрий келишувдир.

Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, ҳуқуқбузар билан жабрланувчини яраштириш дастури бутун дунё бўйича 25 йилдан бери қўлланиб келинади. Австрия, Бельгия, Буюк Британия, Германия, Норвегия, Польша, Финландия, Франция каби Европа мамлакатларида ушбу усул амалиётда ўзини тўлиқ оқлаган.

Медиация низони жабрланувчи ва ҳуқуқбузарни жалб этган ҳолда ҳал этишга асосланади. Бундан ташқари, у жабрланувчига етказилган зарарнинг тез вақт ичида ундирилишини таъминлаши баробарида ҳуқуқбузарликнинг қайта содир этилиши ҳамда ҳуқуқбузар учун судланганлик ҳолатининг келиб чиқишининг олдини олади. Медиациянинг ҳуқуқбузар учун яна бир фойдали жиҳати шундаки, яраши унга ўзига тааллуқли ишнинг ҳал этилишида иштирок этиш, одамга етказилган маънавий-моддий зарар ҳақида ўйлаб кўриш ҳамда ўз хатти-ҳаракатининг оқибатларини тушуниб етиш имконини беради.

Бундай тартибда яраши жабрланувчига ҳам фойдалидир. Зеро, у зарарни ундириш билан боғлиқ муаммони ҳал этишга бевосита таъсир этади, етказилган зарарни моддий ва маънавий шаклда олишга, шу билан бирга айбдорни кечиришга шароит яратади.

Медиация натижасида яраришга эришиш жамиятга ҳам фойда келтиради. Хусусан, жамиятнинг ҳуқуқий маданиятга таъсир кўрсатиб, турли хил хавфли жиноятларнинг олдини олишга ёрдам беради. Шунингдек, суд ва бошқа мутасадди идораларни ортиқча вақт ҳамда сарф-харажатлардан халос этади.

Тадқиқотчиларнинг эътироф этишича, Польшада ўзаро яраришган 60 нафар вояга етмаган ҳуқуқбузарнинг уч нафаригина қайта ҳуқуқбузарлик содир этган, холос. Медиация ишлари уни қўллаш бўйича махсус тайёргарликдан ўтган шахслар томонидан амалга оширилади. Медиаторларни тайёрлаш тизими бошланғич курслар, ўқув ва медиациянинг ҳуқуқий масалалари бўйича қўшимча машғулотлардан иборат. Медиатор имкон даражасида олий маълумотли (юриспруденция, психология, педагогика, социология бўйича ва ҳоказо) бўлиши лозим. У инсон ҳуқуқлари ва қонунчилик бўйича комиссия раиси олдида медиаторлик иши билан боғлиқ мажбуриятларни чин дилдан бажариш ва медиация қоидаларига (томонларнинг ихтиёрий иштирок этиши, тенглиги, медиаторнинг холис бўлиши, қонунга амал қилиш) сўзсиз риоя этишга қасамёд қилади.

Иш яраштириш учун медиаторга келиб тушгач, у жабрланувчи ва ҳуқуқбузар билан алоҳида учрашади. Агар ҳар икки томон яраришга розилик билдирса, уларни юзма-юз учраштириш куни тайинланади. Медиатор уларнинг суҳбатига кўмаклашиш билан бир вақтда, томонлардан бирининг манфаатлари путур етмаслигини кузатиб боради. Шунингдек, яраришув ихтиёрий бўлиши лозим. Яраришувга эришилгандан сўнг яраштириш битимининг нусхаси прокурор ёки судьяга юборилади. Келишув бажарилгани медиаторнинг маърузаси асосида тасдиқлангач, мутасадди идора иш бўйича қарор қабул қилади.

Медиация институти кам аҳамиятли, оғир оқибатларга олиб келмаган ҳамда унча оғир бўлмаган жиноят ишларини (бунда етказилган зарарни қоплаш доираси қилмишнинг оғирлик даражасига тенг бўлиши лозим) ҳал этишда муҳим аҳамият касб этади. Қолаверса, яраштириш институти ҳуқуқни муҳофаза этувчи идораларнинг муассасаларда ушлаб туриладиган маҳкумлар сонини қисқартириш имконини ҳам беради. Шу боис БМТ ва Европа Иттифоқи каби нуфузли халқаро ташкилотларнинг бир қатор ҳужжатларида медиация институтини кенг қўллаш тавсия этилган.

Адҳам ЖАЛОЛОВ,
Шерали ОЧИЛОВ

Taassuf

ҚАЛТИС АДАШУВ

Суд залида оғир вазият юзага келган.

— Судланувчи Алимқул Тангиров, сиз ўз айбингизга иқрормисиз? — деб сўрайди суд раиси.

— Тўлиқ иқрорман. Қилмишимдан пушаймонман. Оилада 3 нафар фарзандим бор. Муқаддам судланмаганман. Нопок йўлга кириб, "Ҳизбут-таҳрир" оқимига даъват қилувчи китоблар ва варақаларни тарқатиш билан шуғулланганман. Ўзим ушбу оқимга эргашиб, 1999 йил бошларида Одил, Қаҳрамон исмли шахсларнинг даъвати билан улар билан биргаликда таълим олганман. Қилмишим учун халқимдан, ота-онамдан кечирим сўрайман. Менга нисбатан енгилроқ жазо беришингизни сўрайман...

Алимқул Тангиров 1971 йилда Ғузор туманида туғилган. Маълумоти ўрта. Оилали. 3 нафар фарзанднинг отаси. Нишон туманидаги "Ислом ота" фермер хўжалигида ишчи бўлиб ишлаб келган. Бундан тўрт йил илгари ҳозир жазо ўтаётган танишлари Одил Хўжаёров, Қаҳрамон Эгамназаров, Абдуғани Омонтурдиевларнинг даъвати билан норасмий "Ҳизбут-таҳрир" оқимига кириб, амалдаги ҳукуматни ағдариб, ўрнига "халифалик" давлати қуришга қаратилган турли адабиётларни, варақаларни сақлаш ва тарқатиш билан шуғулланган. Ўтган йилнинг куз ойларида Тошкент-Термиз йўналишидаги поездга чиқиб, Сурхондарёнинг Музрабод туманига йўл олган.

Алимқул мамлакатимиз жануби томон йўл оларкан, ўзича "қуруқ қўл" билан сафарга отланишни эп кўрмади. Йўл-йўлакай "Ҳазратлар тўқнашувининг муқаррарлиги" номли китобни ўзи билан олиб ўтди. Фараз ният билан сафарга чиққан Амирқул Тангиров қўлга тушгач, унинг Нишон тумани, "Ойдин" жамоа хўжалигидаги хонадони тинтувдан ўтказилганда бу ердан "Ҳизбут-таҳрир" оқимига таллуқли 13 дона китоб, диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган кўпгина варақа топилган. Иш бўйича гувоҳ сифатида сўроқ қилинган Амирқул Тангировнинг собиқ турмуш ўртоғи Бозоргул Саманова ўз кўрсатмасида шундай дейди:

– Биз Ғузор туманидан Нишон туманига кўчиб келганимиздан сўнг собиқ турмуш ўртоғим Алимқул Тангиров турли хил диний адабиётларни уйга олиб келадиган бўлди. Мен аввалига бунга унчалик эътибор бермадим. Лекин орадан бироз фурсат ўтгач, у мени ҳам "Ҳизбут-таҳрир" оқимига киришга ва "ҳижоб" кийишга даъват этди. Мен бунга кўнмадим. Кўпгина мажбурий уринишлардан сўнг турмуш ўртоғим билан ажралиб кетдим...

Боши берк кўчага кириб қолган Амирқул тинчгина яшаб келаётган рўзғоридан, оиласидан, ҳали вояга етиб улгурмаган 3 нафар норасида фарзандидан ажралди. Мана бугун эса ўз қилмишлари учун суднинг қора курсисида пушаймон бўлганича енгилроқ жазо беришни илтижо билан сўраб ўтирибди.

Аммо А.Тангировдан олинган адабиётлар норасмий "Ҳизбут-таҳрир" ҳаракатига тегишли бўлиб, улар мамлакатимизда таъқиқланган. Шу боис А.Тангиров қилмишига яраша қонуний жазо олди.

Қашқадарё вилоятининг Нишон туманида истиқомат қилувчи уч нафар ака-укаларнинг қисмати ҳам Амирқулникига ўхшаш. Ака бўлмиш Исроил Чоршанбиев 50 ёшни қоралаб қолган. 7 нафар фарзанднинг отаси. Оқу қорани ажрата оладиган инсон. Нишон туманидаги "Самарқанд" жамоа хўжалигида ишчи бўлиб ишлаб келган. 2000 йил бошларида эса уни шайтон йўлдан урди. Қарийб ярим асрлик умрни ўтказган Исроил Чоршанбиев "Ҳизбут-таҳрир" оқимига кириб, доимий равишда бузғунчи оқимни тарғибот қилувчи варақалар ва адабиётларни тарқатиш билан шуғулланди. Фуқароларни ушбу оқимга киришга даъват этишни ўзига касб қилиб олди. У яшаётган хонадонда ўтказилган тинтувда давлат тузумини Конституцияга хилоф равишда ўзгартириш, ҳокимиятни босиб олиш ва қонуний равишда сайлаб қўйилган ёки тайинланган ҳокимият вакилларини фаолиятдан четлаштиришга қаратилган 9 дона турли хил адабиётлар ва 42 дона варақалар топилди. Исроил Чоршанбиев укалари Ғанишер ва Панжини ҳам ана шу оқимга киришга даъват этди. Уч ака-ука бир гуруҳ бўлиб, "Ҳизбут-таҳрир" оқимига доир китоблар ва варақаларни тарқатиш, фуқароларни ушбу ҳаракатга киришга даъват этиш билан доимий шуғулланишди. Улар яшаётган хонадонда ўтказилган тинтув пайтида Панжи Чоршанбиевда 31 дона китоб, 581 дона варақа, Ғанишер Чоршанбиев хонадонида 32 дона китоб, 52 дона варақа борлиги аниқланди.

Ака-укалар судда ўз қилмишларидан пушаймонликларини билдириб, енгил жазо беришни сўрашди. Лекин ҳар қандай жиноят жазосиз қолмаслиги керак. Шу боис жиноят ишлари бўйича Сурхондарё вилояти суди ака-ука Чоршанбиевларга қонуний жазо тайинлади.

Шу ўринда киши кўнглида шундай мулоҳаза туғилади: жиноятчилар-ку жазосини олишди. Лекин уларнинг фарзандлари қандай аҳволда қолди? Чунки рўзғор кечириш, болаларни отасиз парвариш қилиш энди она зиммасига тушди. Бу эса оғир юмуш. Бундан ташқари, бир маҳаллада истиқомат қилувчи ака-укаларнинг бузғунчи ғоялар ташвиқоти билан шуғулланиб юрганини нахотки маҳалла фуқаролари билмаган бўлса? Бу ҳолнинг рўй беришига сабаб ушбу маҳалла аҳлининг лоқайдлиги, эътиборсизлиги ва огоҳсизлиги эмасми?

Ҳозирги пайтда огоҳлик давр талабидир. Бу ҳар бир кишидан ҳушёрлик ва онглилиқни, ён-атрофда рўй бераётган воқеаларга очиқ кўз билан қарашни тақозо этади. Зеро, огоҳлик ва фаоллик мавжуд жойда турғунлик ва ёвузликка ҳеч қачон йўл йўқ. Буни ҳар бир юртдошимиз теран англаши лозим.

Фозил ТЎРАЕВ,
ҳуқуқшунос

Ehtiyot bo`ling: firibgar!

Инсоф, диёнат ва ҳалоллик энг гўзал инсоний фазилатлардан ҳисобланади. Бухоролик Алишер Атоевда ана шу фазилатлар сал камёброқ шекилли... Албатта, дабдурустдан бундай фикрга келганимиз йўқ. Унинг кўпгина сабаблари бор. Гап шундаки, Алишер айни қирчиллама йигит ёшида бувиси ва банк раҳбарларини чув туширди. Хўш, аслида воқеа қандай юз берганди? Алишер ўз бошига қандай ғавғолар орттирди? Гапни хиёл илгарироқдан бошлайдиган бўлсак, 2002 йилнинг 6 июн куни "Ўзсаноатқурилишбанк"нинг Тўқимачилик туманидаги филиали ва "Чухшуъла" хусусий кичик корхонаси ўртасида кредит шартномаси тузилган. Унга мувофиқ банк мижозга шартномада кўрсатиб ўтилган миқдор ва шартлар асосида кредит бериш, қарздор эса олинган пул маблағларини белгиланган муддатда қайтариш ва ундан фойдаланган учун фоизлар тўлаш мажбуриятини олади.

ОХИРИ "ВОЙ" ЭРКАТОЙЛИК

ёки талон-тарож қилинган кредит хусусида

Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 10 сентябрдаги 366-қарори кичик ва ўрта бизнес, деҳқон-фермер хўжаликлари ташкил этилишини рағбатлантиришни кучайтириш, уларнинг молиявий, моддий-техник ва хомашё ресурсларига эга бўлиш имкониятини кенгайтирди. Шундан сўнг тижорат банклари томонидан юридик шахс ҳисобланган кичик ва хусусий корхоналар, деҳқон-фермер хўжаликларига мақсадли кредитлар ажратила бошланди. Қаллоблик йўлини танлаган Алишер Атоев бувиси, "Чухшуъла" хусусий кичик корхонаси раҳбари Хосият Шарипова номидан Бухоро шаҳрида колбаса цехи қуриш учун асбоб-ускуна ва жиҳозлар сотиб олиш мақсадида 5 миллион сўм йиллик 30 фоиз тўлов маблағни тўлиқ 2003 йил 6 декабрда қайтариш шарти билан кредит олади. Бироқ банк «ҳамкори» бу шартга амал қилмади.

Фуқаролик кодексининг 324-моддасига кўра, қарздор мажбуриятини бажармаган ёки лозим даражада бажармагани туфайли кредиторга етказилган зарарни тўлаши шарт. Шу боис банк 5 миллион сўм кредит ва 470.299 сўмлик кредит фоизини кичик корхона ва кафилдан ундиришни сўраб, хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилди.

Фуқаролик кодексининг 292-моддасига асосан кафиллик шартномаси бўйича кафил бошқа шахс ўз мажбуриятини тўлиқ ёки қисман бажариши учун унинг кредитори олдида жавоб беришни ўз зиммасига олади. Бироқ тарафлар ўртасидаги кредит шартномасида кафил сифатида қатнашган Бухоро шаҳар "Бухороагротаъмирқурилиш" корхонаси судга қарши даъво аризаси билан чиқиб, кафиллик шартномасини бекор қилишни сўради. Суд амалиётидан маълумки, қарши даъво асосий даъвога нисбатан жавобгар томонидан ҳал қилув қарори қабул қилингунга қадар дастлабки даъво билан биргаликда кўриб чиқиш учун тақдим этилади. Аммо бу ўринда кафилнинг талаби асослими, деган савол туғилиши табиий. Иш ҳужжатлари синчиклаб ўрганиб чиқилганда маълум бўлдики, 3 июн куни йили кўрсатилмаган, 30 ой муддатга тўрт томонлама кафиллик шартномаси тузилган. Кредит шартномасига эса муддат 18 ой белгиланган. Бироқ нимагадир кафил бу ҳақда хабардор қилинмаган.

— Кафиллик шартномасида кредит мақсадсиз ишлатилгани аниқланган ҳолатда банк муддатидан олдин уни ундириши белгилаб қўйилган, — дейди кафиллик шартномасига имзо қўйган корхона вакили. — Банк кредитдан фойдаланиш жараёнида кредитлашнинг асосий тамойиллари — муддатлилик, мақсадлилик, тўловлилик, кредит қайтарилишининг ишончлилиги ва таъминланганлигига қатъий риоя қилмаган. Кредитлаш жараёнида ажратилган кредитга тегишли бўлган бухгалтерия ва статистик ҳисоботлар олинмаган ҳамда таҳлил этилмаган.

Кафиллик шартномаси муддати ўтмагани, ҳар иккала шартномага "Чухшуъла" раҳбари имзо қўймагани, кредит мақсадсиз ишлатилгани, жавобгарнинг ҳисоб рақамида пули бўлса-да, банк ходимлари томонидан маблағ ундирилмагани инобатга олиниб, кафиллик шартномаси бекор қилинган.

Ҳеч ким мушугини "пишт" демагач, ўзи хон, кўланкаси майдон Алишер Атоев кредит маблағини "Диана" хусусий фирмаси ҳисоб рақамига кўчиради. Фирма раҳбари Аваз Бақоевнинг қувончи ичига сиғмасди. У маблағни ўзи хоҳлаганча сарфлай бошлади. "Чухшуъла"нинг сохта раҳбари эса кредитдан фақат шартномада кўрсатиб ўтилган мақсадларда фойдаланишни бутунлай ёдидан чиқаради. Шу боис жавобгар суд мажлисида колбаса цехи қуриш учун асбоб-ускуна ва жиҳозлар сотиб олинганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этолмади.

Энг ёмони, Хосият Шарипованинг эркатой набираси хусусий корхона раҳбаридан ҳеч қандай ваколат олмасдан кредит олиш учун ариза ёзган. Кредит ва кафиллик шартномаларига сохта имзолар қўйиб, банкдан 5 миллион сўм пулни олишга эришган. Судда Хосият Шарипова набирасининг хурмача қилмишларидан бехабар эканини ташвиш билан баён этди. Фирибгарлик касалига мубтало бўлган набира кредит пулини талон-тарож қилди. У шахсий манфаатларини кўзлаб, расмий ҳужжатларга сохта маълумот ва ёзувлар киритган, ҳужжатларни қалбакилаштирган. Алишер Атоев ва унинг ҳамтовоқлари ҳаракатларида Жиноят кодексининг 168-моддаси 3-қисми "а" банди, 170 ва 209-моддаларида кўзда тутилган жиноят аломатлари мавжудлиги сабабли суд мазкур ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатди. Ҳозирги пайтда вилоят прокуратураси томонидан тўпланган ҳужжатлар асосида тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда. Хуллас, ҳийлагарликка қўл урган набиранинг эркатойлиги қимматга тушди. Энди у қинғир қилмишлари учун қонун олдида жавоб беради.

Ёндаш АЗИМОВ,
ҳуқуқшунос
Валижон ЮСУПОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Huquqiy savodxonlik sari

НИКОҲДАН АЖРАТИШ

бу борадаги судда иш қўзғатишнинг хусусиятлари

(Давоми. Боши учинчи бетда)

Шунингдек, Оила кодексининг 39-моддасига биноан, эр хотинининг ҳомиладорлик вақтида ва бола туғилганидан кейин бир йил мобайнида хотинининг розилигисиз никоҳдан ажратиш тўғрисида ишни судда қўзғатишга ҳақли эмас. Аёлнинг манфаатларини кўзлаган ҳолда, ҳатто боланинг отаси деб расман қайд этилмаган ҳолларда ҳам эр бола туғилганидан кейин бир йил мобайнида хотинининг розилигисиз никоҳдан ажратиш тўғрисидаги даъво ишини қўзғата олмайди. Мазкур қоида бола ўлик туғилган ёки 1 ёшгача яшамай вафот этган ҳолларга ҳам татбиқ қилинади. Айтиш жоизки, мазкур ҳолларда никоҳдан ажралиш тўғрисидаги ишни қўзғатиш учун хотинининг розилиги бўлмаса, суд даъвогар эрнинг даъво аризасини рад этади, агар ариза қабул қилинган бўлса, иш юритишни тугатади.

Манфаатдор шахслар томонидан судга тақдим этилаётган никоҳдан ажратиш ҳақидаги даъво аризалари ФПКнинг 149-моддаси талабига жавоб бериши лозим. Хусусан, даъво аризаларида қуйидагилар кўрсатилиши керак:

— ариза берилаётган суднинг номи;

— даъвогарнинг номи (фамилияси, исми ва отасининг исми), яшаш жойи, шунингдек, агар ариза вакил томонидан берилаётган бўлса, вакилнинг номи (фамилияси, исми ва отасининг исми) ва манзили;

— жавобгарнинг номи (фамилияси, исми ва отасининг исми), яшаш жойи;

— даъвогарнинг талаби;

— даъвогар ўзининг талабларига асос қилиб кўрсатаётган ҳолатлар ва бу ҳолатларни тасдиқлайдиган далиллар;

— аризага илова қилинган ҳужжатларнинг рўйхати.

Ариза даъвогар ёки унинг вакили томонидан имзоланади.

Никоҳдан ажратиш ҳақидаги даъво аризаларида никоҳ қачон ва қаерда расмийлаштирилгани, никоҳларидан фарзандлари бор-йўқлиги, уларнинг ёши, эр-хотин ўртасида фарзандларини таъминлаш ва тарбиялаш ҳақида келишув бўлган-бўлмагани, никоҳдан ажратиш ҳақидаги даъво билан бирга кўрилиши мумкин бўлган бошқа талаблар қўйилаётганлиги ёки йўқлиги, никоҳдан ажралиш сабаблари ҳам кўрсатилиши лозим.

Айтиш жоизки, аксарият даъво аризаларида даъвогарлар никоҳни суд тартибида бекор қилишга асос бўлмайдиган сабабларни кўрсатишаёҳуд ҳар иккаласининг никоҳ муносабатини давом эттиришини хоҳламаслиги никоҳни бекор қилиш учун етарли асос бўла олмайди.

Вазирлар Маҳкамасининг **"Давлат божи ставкалари тўғрисида"**ги 1994 йил 3 ноябрдаги 533-сонли қарорига кўра, никоҳдан ажратиш ҳақидаги ишлар юзасидан берилаётган даъво аризаларидан энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида давлат божи ундирилади. Такрор даъво аризалари берилган тақдирда эса, давлат божи энг кам ойлик иш ҳақининг 120 фоизини ташкил этади.

Аксарият ҳолларда даъво аризаларида никоҳ давомида ортирилган мол-мулкни тақсимлаб бериш талаби ҳам қўйилади. Ушбу қолатда даъво аризаларидан ундириладиган давлат божининг миқдори суд орқали ундириб берилиши талаб этилаётган суммага мутаносиб равишда ортиши мумкин.

Шу ўринда айтиш жоизки, мазкур туркумдаги ишлар дастлаб эр ва хотин истиқомат қиладиган фуқаролар ўзини ўзи бошқариш идораларида, маҳаллаларда муҳокама этилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Масаланинг судгача маҳалла қўмиталарида муҳокама этилганлиги тўғрисидаги ҳужжат нусхасини тақдим этганларидан кейингина суд уларнинг аризаларини қабул қилиш тўғрисида ажрим қабул қилиши ҳуқуқий меъёр фуқаролик процессуал қонунчилигида мустаҳкамлаб қўйилиши лозим.

Сардор БОЗОРОВ

Taqdir tarixi

БИЛЛ ГЕЙТС:

БОЙЛИК – АҚЛ ВА МЕҲНАТ МАҲСУЛИ

"Форбс" журнали ҳар йили дунёнинг энг бадавлат кишилари рўйхатини эълон қилади. Ушбу рўйхатнинг биринчи қаторини бир неча йилдан буён "компьютер қироли" Билли Гейтс эгаллаб турибди. Шуниси эътиборлики, ушбу миллиардлар унга бадавлат бобосидан мерос қолган ёки Граф Монта Кристага ўхшаб бирор ороддан хазина топиб олган эмас. Шунингдек, айримлар сингари бойликка шубҳали йўллар билан ҳам эришмаган. У ўзининг тўқсон миллиард доллардан ошиқроқ бойлигининг ҳар бир центини ҳалол ақлий меҳнати билан топган. Келинг, у ҳақдаги ҳикоямизнинг унинг ёшлигидаги бир воқеадан бошлайлик...

Сиэтли шаҳридаги таниқли руҳшунос хонасининг эшиги тўсатдан очилади ва хонага бир жувон кириб келади. Доктор уни дарров танийди. Бу аёл шаҳарда кўпчилик биладиган мактаб ўқитувчиси Мэри Гейтс бўлиб, унинг эри Уильям Гейтс жамоатчиликнинг ҳурматига сазовор бўлган адвокатлардан бири эди. Аёлнинг орқасидан хонага ориқ, новча, оқишдан келган кўзойнакли ўн яшарлар чамасидаги бола кириб, эшикка суяниб, калласини қимирлатиб, руҳшунос хонасини қизиқиш билан кўздан кечира бошлайди. Врач жувондан ташрифи мақсадини сўрайди.

— Мен ўғлим Биллни олиб келдим, — дейди хоним ташвишли оҳангда, — Уни бир текшириб кўрсангиз. Биласиз, оиламиз Сиэтлда энг намунали оилалардан бири ҳисобланади. Биллнинг катта бобоси парламент аъзоси ва шаҳар мэри, бобоси эса миллий банкнинг вице-президенти бўлишган. Мен ҳам эрим билан жамиятда ўз ўрнимизни топганмиз. Лекин ўғлимиз Биллнинг юриш-туриши бизни жуда ташвишлантирмоқда... У ўқишни хоҳламайди, дарсларда хаёл суриб ўтиради. Уни тартибга солиш борасидаги барча уринишларимиз фойда бермаяпти...

— Хўш, мендан нима истайсиз? — деб сўрайди руҳшунос.

– Бизга маслаҳат беринг, боламни тўғри йўлга солиш учун нима қилишимиз керак? – дейди хоним ва ўзини тутолмай йиғлаб юборади. – Ҳар бир ота-она каби биз ҳам фарзандимизнинг келажакда яхши одам бўлиб, фойдали иш билан шуғулланишини, жамиятнинг муносиб фуқароси бўлишини истаймиз.

– Миссис Гейтс, – дейди руҳшунос болага ўйчан назар ташлаб, – Билл ҳали ёш бола, майли, ўйнасин, шўхлик қилсин. Вақти келиб, ишчан ва жиддий одам бўлаверади.

– Бу нима деганингиз? – дея ҳайратланди хоним, – Қандай қилиб ўғлимни шу аҳволда қолдираман? Унга тарбияни ҳозир бермасак, сўнгра кеч бўлмайдими?

– Тўғрику-я, – дейди руҳшунос паришонхотирлик билан яна бир бор болага юзланади. – Билл айт-чи, сен келажакда нима қилмоқчисан?

Бола бироз ўйланиб туриб, сўнг қатъий оҳангда жавоб беради: **Нимани истасам, шуни қиламан.**

Шундан кейин врач Биллнинг онасини хонадан чиқариб юбориб, у билан узоқ суҳбатлашади. Руҳшунос билан дилдан қилинган ана шу суҳбатдан сўнг Билл ўқишга жиддий эътибор бериб, айниқса, физика ва математика билан кўпроқ шуғуллана бошлайди. Ўғлининг ўқишга қизиқаётганини кўрган ота-онаси уни Лейксайддаги нуфузли мактаблардан бирига ўтказишади. Айнан ана шу ўқув даргоҳида Билл компьютер билан шуғулланади ва маслакдоши Пол Аллен билан танишади. Ундаги ижобий ўзгаришларни кўрган онаси Мэри Гейтснинг елкасидан тоғ ағдарилгандай бўлади. Биллнинг бу соҳадаги қизиқишини рағбатлантириш мақсадида Лейксайд мактаби оналар йиғини аъзоси сифатида Мэри оналарни ўқувчилар учун ҳисоб-китоб (саноқ) машинаси сотиб олишга кўндиради. Чунки у пайтлар компьютерлар жуда катта бўлиб, қиммат турар, уни оналар йиққан маблағга сотиб олиш қийин эди. Мэрининг оналик сезгиси алдамаганди. Энди ўғли Билл ҳисоб-китоб ва компьютер дунёсига боши билан шўнғиб кетиб, дўсти Пол билан турли дастур ва ўйинлар ўйлаб топиб, уларни ҳисоб машиналари ҳамда компьютерга киритар, бошқа ишлар билан шуғулланишни ўйламас, уларни ўйлашга вақти ҳам йўқ эди. Билл ва Пол баъзан тонги соат 4-5 гача машина ёнида қолиб кетар, лекин улар компьютер билан болаларга ўйнамасдан, жиддий шуғулланарди. Мактаб маъмурияти 15 ёшли ўсмирларнинг компьютерда катта қизиқиш билан кўплаб дастурлар ишлаб чиқаётганини кўриб, дарс жадвалининг электрон шакли бўйича дастур тайёрлаб беришга пуллик буюртма беришади. Бу буюртмани муваффақиятли бажарганидан сўнг Билл ва Полга Лейксайд шаҳар ўқув юртлари ҳамда бошқа ташкилотлардан жуда кўп дастурлар бўйича буюртмалар туша бошлайди. Шу туфайли уларнинг қўлида астасекин маблағ тўпланади. Бу пайтга келиб Биллнинг феъл-атвори сезиларли ўзгарган, эндиликда у мустақил ҳаракат қиладиган ва масъулиятли қарорлар қабул қиладиган ҳақиқий эркакка айланган эди. Бунинг натижаси ўлароқ, у ҳеч ким билан маслаҳатлашмасдан мактабдаги ўқишини ташлайди. Чунки ўқиганда ҳам у кўпроқ партада эмас, монитор олдида ўтирарди. Шу билан бирга мактаб рахбарияти билан битим тузиб, тайёрлаб берадиган дастурлар эвазига мактабда ўқиши лозим бўлган фанлардан унга баҳо қўйишга келишади. Мэри ўзининг қатъиятли ўғли билан фахрланар, лекин фарзандининг ориқ гавдаси ва хорғин чеҳраси уни ҳамон безовта қиларди. Шу билан бирга унинг кейинги ўқиши тўғрисида ўйлаб кўрадиган вақт келганди. Билл ота-онасининг умидли фарзанди бўлгани учун улар Гарвард университетини танлашади. Чунки Биллнинг интеллектуал қобилиятига шу ўқув юрти тўғри келарди. Кейинчалик онасига айтишича, у ерда Биллнинг фақат гавдаси бўлган, қалби эмас. У бу ерда ҳам мактабдагидек ўқишга унча қизиқмас, асосий вақтини компьютер ёнида ўтказарди. Талабалар уни кўпинча сочи тўзиган, ғижимланган кўйлакда, ўзи ва ташқи кўринишига мутлақо эътибор қилмайдиган аҳволда йўл-йўлакай нималарнидир чайнаб, тамадди қилиб юрган ҳолда кўришарди. Гейтс ўз ишига шунчалар берилиб кетган эдики, ҳатто ётоқхонасидаги жойини йиғиш ва хонасини тартибга солишга ҳам вақт тополмас эди. Онасининг кундалик назоратидан четда бўлгач, у ўзининг вақтини бошқа ёшлар сингари турли кўнгилочар жойларда ёки қимор ўйини билан ўтказиши ҳам мумкин эди. Лекин буларнинг бирортаси билан ҳам шуғулланишга Гейтс вақт тополмади. Чунки у 1975 йилда дўсти Пол Аллен билан биргаликда "Microsoft" компаниясини ташкил этади ва улар компьютер ишлаб чиқарувчи фирмаларга дастур тузиб бериш билан шуғуллана бошлашади. Бу орада Гейтс АҚШдаги энг нуфузли ўқув даргоҳларидан бири бўлган Гарвард университетидаги ўқишини ташлаб, бутун вужуди билан компьютер дунёсига киришиб кетади. Гейтс сутканинг 18 соатини иш жойида ўтказар, меъёрида овқатланиш ёки киядиган кийимга қараш каби "майда-чуйда"лар билан шуғулланишга вақти етишмас, шунинг учун арзон ошхоналарда йўл-йўлакай енгил-елпи тамадди қилиб олар, тўғри келган кўйлак ва кастюмни кийиб кетаверар эди. Бир куни Билл онасига кўнғироқ қилиб, қатъий оҳангда олти ойгача уни кўролмаслиги, унга бошқа кўнғироқ қилиш ёки бориб кўришга вақти йўқлиги, чунки суткасига 24 соат ишламоқчи эканлигини айтганида Мэри хоним қўрқиб кетиб, компьютер ўғлини ақлдан оздирмадимикан, дея яна безовта бўлади.

Биллнинг рақибларидан бири у тўғрисида бир гал шундай дейди: "Гейтс билан курашиб бўлмайди. У нима иш қилмасин, ҳаммасида ғолиб чиқиш учун ҳаракат қилади". 1980 йилда Гейтс "IBM" компанияси ишлаб чиқадиган компьютер турларига бир қатор дастурлар тайёрлаб беришга келишади. Шу билан бирга узоқни кўра биладиган Гейтс шартномада ушбу дастурларни лозим пайтда бошқа фирмалар, шу жумладан, "IBM"нинг рақибларига ҳам сотиши мумкинлиги ҳуқуқини ўзида қолдиради. Боз устига, у ушбу дастурни тайёрлаётган пайтида уни бошқа турдаги компьютерларга ҳам киритиш мумкинлигини кўзда тутиб, унинг чорасини кўриб қўйган эди. Кейинчалик бу ҳақда АҚШ газеталари шундай ёзган эди: "Биллнинг компьютер ривожланиш асрини қайси томонга боришини олдиндан кўра билиши, унинг фирмаси қўлга киритган оламшумул муваффақиятларининг асосий омили бўлди". "IBM" фирмаси билан тузилган шартнома Гейтсга миллиард-миллиард доллар фойда келтирди. Шу туфайли у 1986 йилдан бошлаб ҳар минутда ўртача 10 минг доллар даромад оладиган бўлди. Ҳозирги кунда унинг бойлиги 90 миллиард долларга баҳоланмоқда ва бу ҳали охири эмас. Агар унинг ишлари шу зайлда кетадиган бўлса, яқин орада Гейтснинг бойлиги 100 миллиард доллардан ошиши мумкин. Ушбу астрономик рақам микдорининг қанчалик катта рақам эканини билиш учун қуйидаги қиёсни келтирамиз. "Челси" клубини сотиб олиб, футбол оламида катта шов-шувга сабаб бўлган россиялик миллиардер Роман Абрамовичнинг бойлиги "бор-йўғи" 12 миллиард долларни ташкил этса, дунёнинг энг бой давлати ҳисобланадиган АҚШ ғазнасида 46 миллиард долларлик олтин заҳираси сақланмоқда. Демак, Билл Гейтснинг маблағи Роман Абрамовичнинг бойлигидан салкам саккиз баробар, АҚШ олтин заҳирасидан эса икки баробар кўп экан. Биллнинг ўзи эса бу рақамларни ўйлаб ҳам кўрмайди ва уларнинг унга ҳеч қандай таъсири ёки аҳамияти йўқлигини такрорлашдан чарчамайди. Тўғрисини айтганда, уларни ўйлаб кўриш ёки ҳисоб-китоб қилишга унинг вақти ҳам йўқ. Чунки ҳозирги пайтда ҳам умрининг кўпчилик қисмини иш жойида ўтказмоқда.

(Давоми кейинги сонда)

Хориж матбуоти материаллари асосида Мирза ТУРСУНОВ тайёрлади.

Giyohvandlik — asr vabosi

НАШАВАНДЛИК БАЛОСИ

Йигит балога йўлиқмайди, балки бало-қазони ўзи сотиб олади, дейди халқимиз. Дарвоқе, йигитлик инсон ҳаётининг энг гуллаган даври. Нимани истаса, бажара олади, қўлини нимага узатса, етади. Ана шундай даврни шамолга совуришни ҳеч нарса билан изоҳлаб бўлмайди. Мана биргина гиёҳвандлик домига дучор бўлган йигитларни олиб кўринг. Агар ўйлаб қарасангиз, бу енгил кайф-сафо, деб шундоқ ҳам ўлчаб берилган умрни хазон қилишдан бошқа нарса эмас. Ахир, ҳаётда инсон ўз умрини хазон қилмай ҳам завқ-шавқ оладиган нарсалар жуда кўп.

Сирдарёлик Акром Тиркашев энди 29 ёшга қадам қўяётган даврида умрининг анча қисмини гиёҳвандлик боис жамиятдан алоҳида жойда ўтказадиган бўлди. У шу даражага етмаслиги мумкин эдими, деб ўзингизга савол бергингиз келади. Бунга жавоб тополмайсиз. Чунки Акром оёғи бир тойилганидан кейин ўнглолмай қолди. Инсон ҳаётда кўп марта қоқилиши мумкин. Лекин йигитликнинг ғурури, шаъни ҳам шундаки, у ўзини тезда ўнглаб олиши шарт. Афсуски, Акромда ирода етишмади.

У аввало «марихуана» гиёҳвандлик воситасига ружу қўйди. Кейин уни қаердан топишни ўрганди, сўнг уни бошқаларга сотишни ҳам мўлжаллади. «Марихуана» тайёрлаш учун Қуйи Чирчиқ туманидаги балиқчилик хўжалиги ҳудудида ўсиб ётган ёввойи наша ўсимлигини териб келтирди. Сўнг тўққиз дона картондан ясалган туфли қутисига 3025 грамм «марихуана»ни солиб, сотишга тайёрлади. Яна 5920 граммини томга ёйиб қўйди.

Аммо у мўлжалдаги ниятига етолмади.Ички ишлар ходимлари А.Тиркашевнинг ҳовлисига рухсат сўраб киришиб, омборхонадан қутиларга солиб қўйилган нашани топиб олишди. Ҳаммаси бўлиб 9 килограммча «марихуана» чиқди.

Ана шундан кейин А.Тиркашевнинг ўзим нашавандман, чекиш учун асраб қўйганман, деганига сиз ишонармидингиз?! Албатта, йўқ, Сотишга тайёрламаган киши ёввойи наша ўсимлигини қуритиб, қутиларга солиб қўярмиди?! Фақат режаси амалга ошмай қолди, холос.

Баҳодир Жалғашевнинг ёши ҳали ўттиз бешга етмаган. Лекин судланиш бобида "тажрибали"роқ бўлиб чиқди. 1999 йили 23 март куни Жиноят кодексининг 169-моддаси "а" ва "б" бандлари билан айбланиб, 3 йилга озодликдан маҳрум қилинган эди. Президентимизнинг 1999 йил 4 майдаги "Амнистия тўғрисида"ги Фармонига асосан жазони ўташдан муддатидан илгари озод этилган. Шу йили Жиноят кодексининг 78-моддасига асосан Б.Жалғашевдан судланганлик ҳолати олиб ташланган. Шундан сўнг тумандаги Ж.Маманов номидаги хўжаликда ишчи бўлиб ишлаб келган. Шуниям айтиб қўйиш зарурки, бошқа инсон бўлганида, жамиятимизнинг инсонпарварлик тамойилларидан беҳад хурсанд бўлиб, ҳаётда тўғри йўлини топиб оларди. Бироқ Б.Жалғашев бундайлардан эмас экан. У энди нашавандликка ружу қўйди ва ўз ортидан бошқаларни ҳам эргаштиришни истади. Оқибат шу бўлдики, ички ишлар ходимлари уйи томидан тўрт килограммдан зиёд «марихуана» ўсимлигини топиб олишди.

Баҳодирнинг айтишича, ўтган йил сентябр ойида Сирдарёдан сузиб ўтиб, Қуйи Чирчиқ туманидаги балиқчилик хўжалиги ҳудудидан ёввойи ҳолда ўсиб ётган наша ўсимлигининг шохларини синдириб олиб келган, уни қуритиб ўзи истеъмол қилиш учун томга ёйиб қўйган... Энди шу ишидан пушаймон бўлаётганмиш. Албатта, унинг гапларига ишонгингиз келади. Лекин киши нашаванд бўлгани учун кўп миқдордаги гиёҳвандлик моддани қуритиб сақлаши мумкин эмас-ку!

Б.Жалғашев Жиноят кодексининг 273-моддаси 5-қисмида кўрсатилган жиноятни содир этган. Олий суд Пленумининг **"Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалари билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти ҳақида"**ги 1995 йил 27 октябр 21-сонли қарорининг 6-бандида кўрсатилганидек, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларини фақат истеъмол қилиниши истисно этадиган миқдорда топилганлиги, айбдорнинг ўзи банги эмаслиги тўғрисида экспертиза берган хулоса ва айбдорда психотроп моддалар тайёрлаш учун асбоб-ускуналар мавжудлиги ҳисобга олиниб, суд Б.Жалғашевга тўғри айб эълон қилинган деб топди.

Шунингдек, суд ҳар иккала айбдорни озодликдан маҳрум қилиш жойларида наркомания касаллигига қарши мажбурий даволашни мақсадга мувофиқ деб топди. Демак, айбдорлар даволаниши шарт. Яхшиям уларнинг илк одимлари олди олинди, акс ҳолда...

Миршароф МЕЛИЕВ, ҳуқуқшунос



ЁВВОЙИ БОЛА

Charxi kajraftor

Болалигида ёзувчи Оқилжон Ҳусановнинг "Тоғда ўсган бола" асарини ўқимаган одам камдан кам топилса керак. Икки қўшнининг келишмовчилиги туфайли бўрилар орасига тушиб қолган инсон фарзандини, ўз боласидан ажралиб қолган она бўри боқиб олади. Адиб ўз асарида ваҳший бўрининг керак пайтда онгли мавжудот бўлган инсондан ҳам меҳрибонроқ бўла олишини катта маҳорат билан тасвирлаган. Шунинг учун ҳам бу асарни ҳар бир ўсмир, нафақат ўсмир, катта ёшдаги ўқувчилар ҳам тўлқинланиб мутоала қилишган. "Она бўри" ва "Одам бўри" кўпчиликнинг севимли қаҳрамонига айланган.

Кейинчалик телевизор экранларида "Маугли" мультфилми пайдо бўлди. Ушбу асар ҳам ўз қаҳрамонлари тимсолида инсон ва табиатнинг уйғунлиги ҳақида ҳикоя қилади. Онгсиз ҳайвонларни онгли мавжудот — инсонга муносабатини кўриб ҳайратланасиз.

Албатта, орамизда "ҳа, энди булар бари бадиий тўқималар, асар муаллифларининг хаёлоти", дегувчилар ҳам топилади. Лекин яқинда Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида юз берган воқеани эса рад этиб бўлмайди. Санкт-петербургликлар болакай номаълум сабабларга кўра дайди итлар орасига тушиб қолади. Бу беш яшар болакай итлар билан бирга сайр қилади. Улар еган овқатларни ейди ва улар билан ертўлаларда тунаб юради. Аввалига бир-икки киши дайди итлар орасида ёш болани кўрганини айтишганида кўпчилик уларга ишонмаган эди. Яқинда болакай бир аёлга ташланиб, уни тишлаб олгач, ҳаммаси ойдинлашди. Махсус хизмат вакиллари болани тутишди. Буни қарангки, дайди итлар болани жон-жаҳдлари билан ҳимоя қилишган.

Болакай инсонлардай гапиришни билмайди. Худди итлар каби ҳуради. Овқатланиш жараёни ҳам итлардан фарқ қилмайди. Айни кунларда у шифокорларнинг назоратида.

Ана энди ҳам "Тоғда ўсган бола"даги "Бўри бола" ёки "Маугли"ни бадиий тўқима, деб кўринг-чи?..

Ҳасан АБДУВАИТОВ тайёрлади.

Nadomat

ЖАҲЛ ЖАЗАВАСИ

Фарзандлар камоли — оила бахти. Ҳар қандай яхши ёки ёмон хулқ аввало оилада куртак ёзади. Олот туманидаги Раҳмат Ботиров номидаги ширкат хўжалиги ҳудудида Турсун Тўхтаев оиласи осойишта яшаб келар эди. Бу ерда соғлом муҳит ҳукм сурарди. Оила бошлиғи ва уй бекаси Гулсара Яхшибоевани ҳамқишлоқлари камсуқум, суяги меҳнатда қотган, серфарзанд, болапарвар инсон сифатида қадрлашарди. Бола қалби — оиланинг сурати. Унда оиланинг ички моҳияти ярқ этиб кўзга ташланиб туради. От изини той босар деганларидек, фарзандлар ҳам ота-оналарига эргашишди. Меҳнатни зийнат, деб билдилар. Дарвоқе, дунёдаги барча шодлик, эзгуликларнинг манбаи меҳнатдир.

Одамга ота-онадан кейин энг яқин киши бир қориндан талашиб тушган жигаргўшалар — ака-укалар, опа-сингиллар. Улар бир-бирлари учун суянч тоғ, ишонган боғ. Оилада фарзандлар бир-бирларини авайлаб-эъзозлашса, бу бошқаларга ибрат эмасми?

Ўтган йилнинг 1 сентябр куни саҳардан Турсун ака хонадонида ака-укалар, қариндош-уруғлар, қўни-қўшнилар жам бўлишди. Шу куни юртимиз хиёбону хонадонларида байрам руҳи ҳукм сурарди. Бу хонадон эса шу куни тўй ўтказишга тараддуд кўрарди. Тўхтаевлар оиласи фарзандлари Суннатни уйлантиришаётган эди. Халқимиз урф-одатига кўра барчага тўй ўтгунча бажариладиган хизматлар тақсимлаб берилади.

Пешинга қолмай қудаларникига стол-стуллар ташиб келинди. Ҳаммaнинг оёғи олти, қўли етти. Ана шундай кезларда ака-укалар, опа-сингиллар бир-бирларига мадад бўлса, ҳар қандай қийинчилик чекинади, ташвишга ўрин қолмайди.

Шу пайт қуданинг уйидан Нуратилло келиб қолди. Қудалар қатиқ сўрашганини айтди. Укаси Нодирга уларнинг уйига бориб келишини илтимос қилди. У чарчаганини баҳона қилиб, рад жавобини берди. Укасининг сўзини ерда қолдирганидан жаҳли чиққан ака укага ҳамла қилди. Улар бир-бирларини тепкилаб кетишди. Иккалалари ҳам ҳовли олдидаги ариққа тушиб кетишди. Ғазаб билан қайнаган қон зиён билан тинаркан. Орадан уч соатлар ўтиб Нодир оламдан ўтди.

Изоҳ: Нуратулло Тўхтаев – 1975 йил 23 апрелда туғилган. Ҳеч қаерда ишламайди. 2-гуруҳ ногирони, 2 нафар фарзанднинг отаси.

Соат миллари кундузги учларни кўрсатганда тўй ташвишлари билан елиб-югуриб чарчагани, ўзини ёмон ҳис қилгани учун Гулсара Яхшиева тез ёрдамга қўнғироқ қилиб, шифокор чақиради. Укасининг хотини, яъни келини шифокор врач Нигора Туробова ва ҳамшира Фароғат Холиқовалар беморнинг аҳволини кўздан кечираётганда ҳовлидан шовқин-сурон овозлари эшитилди.

– Ҳамшира билан бирга ҳовлига чиққанимизда Нодир йиқилиб ётар, бадани қонга беланган эди. Биринчи тиббий ёрдам кўрсатиб, машинада уни туман марказий касалхонасига олиб келдик. Нодирни зудлик билан операция столига ётқизишди. Кўп қон йўқотгани сабабли унинг ҳаётини сақлаб қолиш имкони бўлмади, – деди суд мажлисида гувоҳ тариқасида қатнашган врач Нигора Туробова.

Аслида ака-укалар ўзаро жанжаллашиб, Нодир Турсуновнинг кўкрак қафаси орқа ўнг томон соҳасига шиша бўлаги билан қасддан уриб, ҳаёт учун хавфли бўлган оғир шикаст етказиб, унинг ўлимига сабабчи бўлган. Иш юзасидан ўтказилган судга оид стационар руҳий экспертизанинг хулосасида Нуратулло Тўхтаевнинг туғма ақли заифлиги ва ҳозирги даражаси аниқланган. Аммо у ўзининг ҳаракатлари ва унинг оқибатларига жавоб бера олиши, руҳий жиҳатдан соғломлиги, у жиноятни ақли расо ҳолатда содир қилгани ва руҳий жиҳатдан тиббий тартибдаги мажбурий даволанишга муҳтож эмаслиги қайд этилган.

Олий суд Пленумининг 1996 йил 20 декабрдаги «Қасддан одам ўлдиришда айбдор ўлдириш нияти билан ҳаракат қилади. Қасддан баданга оғир шикаст етказиш ўлимга сабаб бўлган ҳолларда эса юзага келган ўлимга нисбатан унинг айби эҳтиётсизлик формасида бўлади. Айбдорнинг қасди тўғрисидаги масалани ҳал қилишда судлар содир этилган жиноят ҳолатларининг барча томонлари йиғиндисини инобатга олишлари ва жумладан, жиноят усули ва қуролини, жароҳатларнинг сонини, характерини, жойлашишини ва бошқа етказилган шикастларни, жиноий ҳаракатларнинг тўхташ сабабларини, шунингдек, айбдор ва жабрланувчининг воқеагача бўлган феъл-атворини, уларнинг ўзаро муносабатини, айбдорнинг жиноят содир этилгандан кейинги ҳаракатлари характерини эътиборга олишлари лозим" дейилган.

Шулардан келиб чиқиб, суд ҳайъати содир этилган жиноятнинг малакаси масаласига одилона ёндашди. Дастлабки тергов идоралари томонидан Нуратулло Тўхтаевнинг ҳаракатлари Жиноят кодексининг 97-моддаси, 2-қисми, "Ж" банди билан нотўғри малака қилинган, деган хулосага келди. Чунки жиноят ишининг судда кўрилиши мобайнида аниқланган ҳақиқий ҳолатларга қараганда ҳамда судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳларнинг суд давомида берган кўрсатмаларига, иш бўйича тўпланган бошқа объектив далилларга асосан Нуратилло Тўхтаев укаси Нодир Тўхтаев билан ўзаро жанжаллашиб, унинг кўкрак қафаси орқа ўнг томон соҳасига шиша бўлаги билан қасддан уриб, ҳаёт учун хавфли бўлган оғир шикаст етказиб, Нодирнинг ўлимига сабабчи бўлгани ўз исботини топди. Нуратуллонинг укасини ўлдириш мақсади йўқ эди. Жанжал натижасида акаси томонидан унга тан жароҳати етказилди. Жаҳл, ғазаб, аччиқ эса ақлни енгди. Суд мажлисида Нуратилло Тўхтаевнинг жиноий ҳаракатлари Жиноят кодексининг 97-моддаси, 2-қисми, "Ж" бандидан Жиноят кодексининг 104-моддаси, 3-қисми "Д" банди билан қайта малака қилинди.

Нуратилло Тўхтаевга нисбатан Президентимизнинг 2003 йил 1 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг ўн бир йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги Фармонининг 1-моддаси "В" банди қўлланилиб, у тайинланган жазодан озод қилинди.

Нуратилло жаҳлга эрк бериб, укасининг умрига зомин бўлди. Тўй кунидаги фожиа унинг қалбида абадулабад доғ бўлиб қолиши муқаррар. Бирор-бир оила бошига бундай мусибат тушмасин. Халқимиз орасида шундай ҳикмат бор: "Оға-ини тотув бўлса, тоғни талқон қилар, опа-сингил тотув бўлса, уйни бўстон қилар". Терак томирига таянганидек, одам туғишганларига суяниб яшайди. Ака-ука, опа-сингиллар борлигидан шукр қилиб, суюниб яшашга нима етсин?! Ота тузи, она сутини оқлаб, улар юзини ерга қаратмаслик ҳар биримизнинг фарзандлик бурчимиз бўлиб қолишини истардик. Шундагина она боши ҳам бўлмайди, ота ғами кам бўлади. Она насиҳатини олиш, ота пандини эшитиш – ҳар бир фарзанд учун саодатдир.

Шавкат ФАЙЗУЛЛАЕВ, ҳуқуқшунос

ИНСОН ва ҚОНУН

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

1996 йилнинг январидан нашр этилади

2003 йил 29 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигида 078-рақам билан рўйхатга олинган

Бош муҳаррир: Шодиқул ҲАМРОЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Ихтиёр АБДУЛЛАЕВ, Бўритош МУСТАФОЕВ, Пўлат САМАТОВ, Хуршид СОДИҚОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Сайфиддин РАҲИМОВ, Ғафур АБДУМАЖИДОВ, Ислом ҲАМРО, Холли`НОРБОЙ, Нормейли НОРПЎЛАТОВ

Таҳририятга юборилган қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Факт ва далиллар тўғрилиги учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.

Саҳифаловчи-дизайнер: Жаъфар ЖАББОРОВ

Навбатчи: Бобомурод РАЙИМОВ

Индекс: 646882

«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-616. Тиражи — 7.000. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 22.30

МАНЗИЛИМИЗ: 700047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5. Тел: 133-70-65, 133-84-50

2 3 4 5 6